



ПРЕЗИДЕНТ КАРАНТИН ҚОИДАЛАРИГА ТЎЛИҚ АМАЛ ҚИЛИШ КЕРАКЛИГИНИ ТАЪКИДЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 7 май кунини ўтказилган видеоселектор йиғилиши бошида коронавирус пандемиясига қарши кураш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларга алоҳида тўхталиб ўтди.

— Охири пайтда дунёда ҳар кунини 90-100 минг нафар инсон бу вирусни юқтириб олмоқда, — деди давлатимиз раҳбари. — Бугунга келиб, унга чалинганларнинг умумий сони қарийб 4 миллионга етди. Минг афсуски, уларнинг 265 минг нафари оламдан ўтди.

Ўзбекистонда касалликка чалинган беморларнинг 72 фоизи соғайди. Айни пайтда шифохоналарда 635 нафардан зиёд бемор даволанмоқда. Хориждан қайтган ва беморлар билан мулоқотда бўлган 45 минг фуқароимиз карантинга олинган.

Биз жуда катта куч сарфлаб, кўп саъй-ҳаракатлар, халқимизнинг кўмаги ва чўқур тушуниши, сабр-тоқати билан Ўзбекистонда бу офатни жиловлаб турибмиз. Лекин барибир жуда ҳам зийраклик ва эҳтиёткорлик билан, карантин қоидаларига тўлиқ амал қилишимиз шарт. Бу хавф бутун дунёда бутунлай бартараф этилмас экан, хотиржамликка берилишга асло ҳақимиз йўқ.

Республикаимизда эпидемиологик вазият барқарорлашганидан фойдаланиб, вирусдан холи ҳудудларда иқтисодийни юргизиш юбориш ва одамларни даромад билан таъминлаш мақсадида карантин талабларини аста-секин юмшата бошлади. Бунда биз аҳолининг карантиндаги турмуш шароитини яхшилаш учун уларнинг кўлаб муурожаатларини ҳам инобатга олдик.

Ўтган селекторда берилган топшириққа мувофиқ, Республика комиссияси томонидан 8 майдан бошлаб, инфекция аниқланмаган ёки беморлар тўлиқ соғайган Навоий, Жиззах ва Қашқадарё вилоятлари "ашиш", охириги 14 кунда вирус аниқланмаган, лекин даволанаётган беморлар бўлган Сурхондарё, Хоразм вилоятлари ва

Тошкент шаҳри "сарик", доимий равишда инфекция аниқланаётгани учун бошқа ҳудудларнинг барчаси "қизил" тоифали ҳудуд деб эълон қилинди.

Шунингдек, минтақаларнинг тоифасига қараб, рухсат этиладиган хизмат турлари ҳам аниқ ва тушунарли қилиб белгилаб берилди. Албатта, "яшил" ҳудудларда кўпроқ, "сарик"да камроқ, "қизил"да чекланган сондаги хизматлар кўрсатилади.

Тақрор ва тақрор айтаман, жаҳонда, аиникса, биз яқин ҳамкорлик қиладиган давлатларда пандемия тобора кучайиб бораётганини, бу ҳолат бизга ҳам катта хавф солиши мумкинлигини асло унутмаслигимиз керак. Шу сабабли барчамиздан ҳушёрликни янада ошириш талаб этилади. Бу борада, фаолиятини умуман тўхтатмаган корхоналарда ҳам, ўз ишини қайтадан бошлашга рухсат берилган соҳаларда ҳам вирусга қарши курашиш бўйича чекловлар сўзсиз бажарилиши керак.

Яна бир бор тақрорлайман, ҳар биримиз карантин ва санитария-гигиена қоидаларига қатъий амал қилиб, ўзимиз, яқинларимиз ва халқимизнинг соғлигини ҳимоя қилиш учун маъсул эканимизни унутмаслигимиз зарур ва шарт.

Шу билан бирга, "сарик" ва "қизил" тоифадаги вилоятларда касаллик умуман аниқланмаган туманлар ҳам борлигини инобатга олиш лозим. Худди шундай, эртага "яшил" вилоятдаги бирор бир туманда касаллик аниқланадиган бўлса, бутун вилоятнинг тоифасини ўзгартириш шарт эмас, — деди Президентимиз.

Республика комиссиясига ҳудудларни тоифага ажратишни туман ва шаҳарлар даражасида белгилаш бўйича топшириқ берилди.

ЎЗА



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 май кунини Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Суҳбат аввалида давлат раҳбарлари яқинлашиб келаётган байрам — фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан бир-бирларини самимий табриклаб, мамлакатларимизнинг жасоратли фахрийларига, дўст халқларимизга соғлиқ-омонлик ва фаровонлик тиландилар.

Урушда елкама-елка курашган ва фронт ортида фидокорона меҳнат қилган ота-боболаримизнинг мардлиги ва қаҳрамонлиги авлодларнинг миннатдор хотирасида абадий қолиши алоҳида таъкидланди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва Россия Президентлари икки томонлама стратегик шериклик муносабатларининг долзарб масалаларини кўриб чиқдилар.

Кўп қиррали ҳамкорлик, аввало, савдо-иқтисодий соҳада изчил ривожланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Жаҳон иқтисодиётидаги мураккаб вазиятга қарамай, мамлакатларимизнинг ўзаро савдо ҳажми ортиб бормоқда. Саноат, энергетика, қишлоқ ҳўжалиги тармоқларида, транспорт соҳасида, шунингдек, инфра-тузилмани модернизация қилиш бўйича муҳим инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Икки мамлакат ҳудудлари ўртасидаги кооперация кучаймоқда, маданий-гуманитар алмашинувлар, фан ва таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт соҳаларидаги ҳамкорлик кенгаймоқда.

ЎЗА

Президентлар бўлажак олий даражадаги тадбирларни пухта тайёрлаш муҳимлигига эътибор қаратдилар. Глобал инқирознинг салбий оқибатлари иқтисодий ҳамкорлик суръатига таъсир кўрсатишига йўл қўймастик мақсадида саъй-ҳаракатларни янада бирлаштириш ва олдиндан чора кўриш муҳимлиги қайд этилди. Ҳукумат раҳбарлари даражасида Қўшма комиссия ва Ҳукуматлараро комиссия доирасидаги ишлар давом эттирилди.

Мулоқотда коронавирус инфекцияси тарқалиши билан боғлиқ вазият муҳокама қилинди. Инқирозга қарши курашиш, шу жумладан, аҳолига манзилли ёрдам кўрсатиш ва ижтимоий қафолатларни кучайтириш, бизнесга ҳар томонлама қўмаклашиш, иқтисодиётнинг асосий тармоқларини қўллаб-қувватлаш, чекловларни босқичма-босқич юмшатиш борасида иккала мамлакатда амалга оширилаётган чора-тадбирлар қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон ва Россия ҳукуматларининг ўзаро савдо ҳажми кучайиши мақсадида саъй-ҳаракатларни ўзаро мувофиқлаштириб бориши ва яқиндан ҳамкорликни давом эттириши муҳимлиги таъкидланди.

Давлат раҳбарлари халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Суҳбат ҳар доимгидек самимий, очик ва дўстона руҳда ўтди.

ЎЗА



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ВА ХХР РАИСИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 май кунини Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Ҳар доимгидек самимий ва дўстона руҳда ўтган суҳбатда Ўзбекистон ва ХХР етакчилари икки томонлама ҳамкорликка доир ҳамда халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларни кўриб чиқдилар.

Давлат раҳбарлари коронавирус инфекциясига қарши давом этаётган курашнинг энг мураккаб даврида кўрсатилган ўзаро қўмак ва гуманитар ёрдамни катта мамнуният ва миннатдорлик билан қайд этдилар.

Апрель ойининг иккинчи ярмида ушбу хавфли вирус билан касалланганларни аниқлаш, даволаш ва реабилитация қилиш соҳасида Хитойнинг улкан амалий тажрибага эга етакчи врачлари гуруҳи мамлакатимизда бўлди.

Президентимиз хитойлик мутахассислар юксак профессионал маҳорат намойиш этганликлари, уларнинг мамлакатимиз ҳудудларидаги маъмуриятга қарши пандемияга қарши курашиш чораларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилганини алоҳида таъкидлади.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги дўстлик, ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланган ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатлари тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради, деб таъкидладилар давлат раҳбарлари.

Икки мамлакатнинг соғлиқни сақлаш ва санитария-эпидемиология назорати соҳасидаги идоралари ўртасида фаол алмашинувларни давом эттиришга келишиб олинди.

Шунингдек, кўп қиррали, шу жумладан, сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молия, энергетика, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа муҳим йўналишлардаги ҳамкорликнинг ҳолати ва уни

кенгайтириш истиқболлари батафсил муҳокама қилинди.

ХХРнинг илғор тажрибасини ўрганиш ва жорий этиш асосида камбағалликни қисқартириш масалаларида самарали мулоқот бошлангани алоҳида таъкидланди.

Суҳбат натижаларига кўра, икки томонлама олий даражадаги тадбирларга пухта тайёрлик кўриш ишлари давом эттирилди.

Икки мамлакат вазирлик ва идоралари, ҳудудлар маъмуриятлари, банк-молия институтлари ва етакчи компаниялари пандемиянинг салбий оқибатларини камайтириш ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун янги имкониятларни излаш мақсадида ҳамкорликдаги ишларини фаоллаштиради. Булар, аввало, ўзаро савдо ҳажмини ошириш ва унинг мутаносиблигига эришиш, ишлаб чиқариш кооперациясини мустаҳкамлаш ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш, юк ташиш ҳажмининг ўсиши учун қўлай шароитлар яратиш, гуманитар дастурларни илгари суришидир.

Давлат раҳбарлари минтақавий аҳамиятга молик қатор долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар. Бирлашган Миллатлар Ташкилотини, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа нуфузли халқаро тузилмалар доирасида бирлиқдаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириб боришга қатъий интилиш тасдиқланди.

Суҳбат якунида Ўзбекистон ва Хитой етакчилари дўстлик ва ҳар томонлама стратегик шериклик руҳидаги кенг қўламли ҳамкорликни бундан буён ҳам кенгайтиришга тайёр эканликларини яна бир бор таъкидладилар.

ЎЗА

ҲУДУДЛАР ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ КЎРСАТИБ ЎТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 7 май кунини Андижон, Навоий ҳамда Сурхондарё вилоятлари туман ва шаҳарларининг иқтисодий салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудуди ўзига хос. Бир вилоят ичидаги туманларнинг имкониятлари ҳам бир-бирига ўхшамайди. Шу боис, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар иқтисодиётини ривожлантириш масалалари алоҳида, манзилли тарзда муҳокама қилиб борилмоқда.

Давлатимиз раҳбари жойларга чиқиб, аҳоли билан гаплашиб, белгиланаётган чора-тадбирларнинг долзарб ва амалий бўлишига катта эътибор қаратмоқда.

— Шунча саъй-ҳаракатларимиз, қабул қилаётган қарорларимиз қишлоқдаги оддий одамлар ҳаётига нима ўзгартириш олиб кирапти, даромади кўпайди, ишга жойлашди, боласи ўқишга кирди, уйли-

жойли бўлди, тўйиб овқатланапти, тоза сув ичяпти, деган саволлар мени жуда қийнайд. Бу барча даражадаги раҳбарлар халқимиз олдида жавоб бериши керак бўлган энг асосий саволлардир, — деди Президент.

Марказдаги раҳбарлар қарорлар қабул қилишда ҳокимларнинг умумий ҳисоботлари билан кифояланиб қолаётгани танқид қилиниб, бундан буён ҳудудларга оид ҳар бир масалани аниқ туман, қишлоқ, маҳалла, соҳа ва корхона кесимида, муаммонинг янги бозорларга кириб, уни ҳал қилиш зарурлиги таъкидланди.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ҳурматли Шавкат Мирмонович!

Болалигим ва ёшлик йилларим ўтган она юртимдаги ака-укаларим ва опа-сингилларим билан ҳозирги эпидемиологик қийинчиликларга шерик бўлар эканман, Сардоба сув омборида содир бўлган фожиа ҳақидаги хабарни, шунингдек, уни одамларимиз муносиб ва мардона қабул қилганлигини қалбимда ордиқ билан ҳис қилдим.

Муқаддас Рамазон ойида Оллоҳнинг ўзи мени Ватанимга чорлади, зеро, бу кунларда биз ёрдамга муҳтож одамларга алоҳида ғамхўрлик қилишимиз ва қўмак беришимиз керак. Биз қувончли дамларда ҳам, бошга ғам-ташвиш тушганда ҳам, бир-биримизни елкама-елка туриб, қўллаб-қувватлаймиз. Мен халқимизнинг тақдирига бефарқ қараб тура олмайман ва шу сабабли сув тошқинидан жабрланганлар турмушини тиклаш ва яхшилаш,

талафот оқибатларини тезкорлик билан бартараф этишга ёрдам кўрсатиш учун 10 миллион доллар беряман.





Мен халқимизнинг дуоларига қўшилиб, уларнинг бошига тушган қутилмаган синовлардан тезроқ халос қилишни Оллоҳдан сўраб қоламан.

Ҳурмат билан, Алишер УСМОНОВ

ХАЛҚИМИЗ ЖАСРАТИ ВА МАТОНАТИ БАРҲАЁТДИР

Кўп миллатли Ўзбекистон халқи бутун тараққийпарвар инсоният қатори 1941–1945 йилларда Иккинчи жаҳон урушида фаол иштирок этиб, буюк ғалабани таъминлашга муносиб ҳисса қўшди.

Давоми 2-бетда



Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЭКСПОРТ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга доимий эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузурида Экспортни рағбатлантириш агентлиги ташкил этилиб, экспорт ҳажмини ошириш учун экспорт қилувчи корхоналарга молиявий қўмак бериш

механизмлари яратилди.

Жаҳон бозорларида рақобат кескинлашиб бораётган шароит маҳсулотлар экспортни ҳажмини ошириш орқали янги бозорларга кириб бориш ва аънанавий бозорларда ўз ўрнини мустаҳкамлаш учун экспорт қилувчиларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кенгайтириш заруриятини юзага келтирмоқда.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МАТЕМАТИКА СОҲАСИДАГИ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ ВА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда математика 2020 йилдаги илм-фани ривожлантиришининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Ўтган давр ичида математика илм-фани ва таълимини янги сифат босқичига олиб чиқишга қаратилган қатор тизимли ишлар амалга оширилди: биринчидан, илғор илмий марказларда фаолият юритаётган ватандош

математик олимларнинг тақлиф қилиниши ва халқаро илмий-тадқиқотлар олиб борилиши учун зарур шароит яратилди;

иккинчидан, халқаро фан олимпиадаларида ғолиб бўлган ўшларимиз ва уларнинг мураббий устозлари меҳнатини рағбатлантириш тизими жорий этилди;

Давоми 3-бетда

ҲУДУДЛАР ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ЙўНАЛИШЛАРИ КўРСАТИБ ўТИЛДИ

Бошланиш 1-бетда

Дастурлар ишлаб чиқишни ҳар бир қишлоқдан бошлаш, қайси қишлоқда қайси йўналишни ривожлантириш, бунга қанча маблағ ажратиш кераклигини аниқ кўрсатиш талаби қўйилди.

Масалан, Сурхондарёда 55 мингта, Андижонда 41 мингта, Навоий вилоятида 14 мингта оилани камбағалликдан чиқариш лозим. Кичик корхоналарни кўпайтириш, хунармандчиликни қўллаб-қувватлаш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш орқали аҳоли фаровонлигини ошириш зарур.

Ингилда бунинг учун учта йўналишдаги ишларга қўшимча туртки бериш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Биринчи йўналиш — саноатни ривожлантириш, мавжуд хомашёни чуқур қайта ишлаш, ҳар бир туман, қишлоқ ва маҳаллани ихтисослаштириш.

Андижон, Навоий ва Сурхондарё вилоятларида ишлаб чиқаришнинг асосий қисми битта тармоққа ёки республика тасарруфидоги корхоналар ҳиссасига тўғри келади.

Жумладан, Андижонда саноат ишлаб чиқаришнинг 69 фоизини машинасозлик, Навоийда эса 72,5 фоизини кон-металлургия ташкил этади. Сурхондарё саноатининг мамлакатдаги улуши атиги 1,5 фоиз, янги ҳудудий маҳсулотдаги улуши эса атиги 8 фоиз бўлиб, республикада энг паст кўрсаткичлардан биридир.

Ингилда ушбу ҳудудларда саноат тармоқларини диверсификация қилиш учун барча имкониятлар борлиги таъкидланиб, бу борадаги чора-тадбирлар белгиланди.

Хусусан, Андижон вилояти Ҳўжаобод туманида ташаббускорларга 32 та тиквур-трикотаж корхонаси учун жой ажратиш бўйича кўрсатма берилди. Бу корхоналарда 6,5 мингта иш ўрни яратилади.

Буллоқбоши тумани тоғ ҳудудидаги конларни ўзлаштириб, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, Олтинқул тумани Ижтимоат маҳалласида мебель тайёрлашни саноат даражасига олиб чиқиш имконлиги қайд этилди.

Асака туманидаги автомобиль заводи яқинида, унумдорлиги паст ерларда кичик саноат зонаси ташкил этиб, бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича топшириқ берилди.

Навоий вилояти Нурота туманидаги "Сувлиқ Гранит" конининг электр тармоғини реконструкция қилиш орқали Истиқлол маҳалласидаги 450 нафар аҳолини иш билан таъминлаш мумкин. Томди туманида фосфорит, шиша, цемент, пардозбоп қурилиш тошлари ва оҳақтош захиралари

мавжуд. Учқудуқ туманида қайта геологик ўрганишлар ўтказилса, яна кўп имкониятлар очилади.

Сурхондарё вилояти Шеробод туманида гиламдўз хунармандлар бор. Бандихон туманида эса гилам учун зарур хомашё — қўй ва эчки жуни кўп. Мазкур қўшни туманлар ўртасида кооперацияни йўлга қўйиш орқали йилга 85 тонна жуни ва терини қайта ишлаш мумкин.

Олтинқул туманида электр таъминоти яхши эмаслиги сабабли йилга етиштирилаётган 80 минг тонна узум ва 13 минг тонна галлани қайта ишлаш имкони чекланмоқда. Шунингдек, у ерда қурилишда талаб бўлган 10 миллион тонна пардозбоп тош захираси мавжуд.

Давлатимиз раҳбари шу каби қўллаб-қувватлаш имконияти кўрсатиб ўтиб, мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги вилоят ҳокимлари билан бирга Андижон, Навоий ва Сурхондарёда 33 гектар ер ва 5,3 минг квадрат метрли бўш биноларда 10 та янги кичик саноат зонаси ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Иккинчи йўналиш — жойларда инвестицион ва туристик салоҳиятини ошириш, сервис хизматларини яхшилаш учун инфратузилма объектларини ривожлантириш.

Ингилда Андижон, Навоий ва Сурхондарё вилоятларида бу борадаги ҳолат туманлар кесимида таҳлил қилинди.

Мисол учун, Хонобод шаҳрининг хизмат кўрсатиш бўйича Андижон вилоятидаги улуши бор-йўғи 1 фоизни ташкил этади. Аслида у ердаги ероти маъданли сувларини ўзлаштириш орқали соғломлаштириш туризмни йўлга қўйиш, шифобахш сув ишлаб чиқариш имконияти бор.

Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги Тўдақул сув омбори ҳамда Навбахор туманидаги "Сармишсой" ҳудудида олиб борувчи йўллари таъмирлаш ва туристик зоналар ташкил этиш орқали уларга сайёҳлар оқимини бир неча баробар кўпайтириш мумкин.

Сурхондарё вилояти Олтинсой туманида бирорта бозор йўқ. Бундан ташқари, туман ҳудудидан ўтган "Мангузар-Термиз-Денов" автомобиль йўлида замонавий савдо ва хизмат кўрсатиш марказларини ташкил этса бўлади.

Ингилда хизмат кўрсатишнинг шу каби барча захираларини ҳисоб-китоб қилиб, уларни ишга туширишга тадбиркорларни жалб этиш бўйича топшириқлар берилди.

Учинчи йўналиш — қишлоқ ҳўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва шу орқали иқтисодий ўсишни таъминлаш.

Андижон тумани Миробод маҳалласи аҳолиси қалампир экиб, йилга 2 минг тоннагача ҳосил олмақда. Бундан ташқари, бошқа ҳудудлардан йилга 3-4 минг тонна сотиб олиб, қайта ишлайди. Избосан тумани Юқори Чувача маҳалласидаги мингта хонадонда тоғ ёнғоғи ва ерёнғоқ етиштирилади. Ушбу омилкор одамларга қўшимча ер ажратиш орқали маҳсулотларни қайта ишлаш ва иш ўринларини кўпайтириш имконлиги кўрсатиб ўтилди.

Навоий вилоятида 8 миллион гектардан ортиқ янғол ерлари бўлиб, чорвачиликни, айниқса, қўй ва эчкичиликни ривожлантириш учун катта имконият мавжуд. Бунинг учун қудуқлар қазиб, янги чорва ҳўжалиқлари ташкил этиш зарур. Натижада 500 дан ортиқ киши меҳнат билан банд бўлади. Қайд этилганидек, бу чорвачилик лойиҳалари намуна сифатида амалга оширилиб, Навоий тажрибаси яратилади.

Сурхондарё вилоятининг табиий иқлим шароити бошқа ҳудудлардан фарқ қилиб, воҳода икки-уч марта ҳосил олиш, иссиқсеवार ўсимликлар етиштириш имконияти мавжуд.

Мисол учун, Шеробод тумани анорларига талаб юқори. Лекин анорзорлар атиги 32 гектарни — тумандаги экин майдонларининг 0,1 фоизини ташкил қилади. Ҳосилдорлиги паст пахта ва галла майдонлари ўрнида анор плантациялари барпо этилса, 10 баробар кўп даромад олиш, 30-40 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш мумкин.

Музработ туманида 2 минг, Қумқўрғон туманида 1,2 минг гектар фойдаланишдан чиққан ерларни ўзлаштириб, банд бўлмаган аҳолига бўлиб бериш ва эрта маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш кераклиги таъкидланди. Бунинг натижасида қарий 4 мингта янги иш ўрни яратилади.

Ингилда асосий ва боғ-тоқ қатор ораларига экин экиш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини кўпайтириб, нарх-наво барқарорлигини таъминлаш масалаларига яна бир бор тўхталиб ўтилди.

— Ҳар бир раҳбар ўз иш услубини ўзгартириб, оддий одамларнинг имконияти ва кўникмаларини йўлга қўйиб, амалий лойиҳалар қилинсагина тезроқ натижа бўлади. Қишлоқда, маҳаллада ўзгариш бўлса, иқтисодий ҳам ривожланади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Видеоселектор йиғилишида Андижон, Навоий ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимлари, тармоқлар раҳбарлари ҳисобот берди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ЭКСПОРТ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Бошланиш 1-бетда

Экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 майдаги ПҚ-4337-сон "Экспорт фаолиятини молилаштириш ва сўғурта ҳимояси механизмига кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ жорий этилган маҳсулотларни экспорт қилишда ташиш харажатларини 50 фоизгача миқдорда компенсация қилишга субсидиялар тақдим этиш механизми маҳсулотларни экспорт қилишга ҳам татбиқ этилсин.

Экспорт қилишда автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспортида ташиш харажатларининг бир қисми компенсация қилинадиан маҳсулотлар рўйхати 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика ҳудудлари ва тармоқлари экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари бўйича доимий фаолият юритувчи республика комиссиясига (С.У.Умурзаков) (кейинги ўринларда — Республика экспорт комиссияси) экспорт қилишда транспорт харажатларининг бир қисмини

компенсация қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан субсидиялар тақдим этиладиган маҳсулотлар рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, субсидиялар тақдим этиш шартлари ва миқдорларини белгилаш ҳамда тартибни тасдиқлаш, шунингдек, маҳсулот тури, ҳажми ва экспорт йўналишига қараб субсидиянинг қатъий миқдорларини белгилаш ваколати берилсин.

Республика экспорт комиссияси бир ҳафта мuddатда маҳаллий экспорт қилувчи корхоналар (уларнинг ваколатли вакиллари)га маҳсулотларни экспорт қилишда, шу жумладан, 2020 йил 1 апрелдан буён амалга оширилган экспорт бўйича автомобиль, ҳаво ва темир йўл транспортида ташиш харажатларини қисман компенсация қилишга субсидиялар тақдим этиш тартибни тасдиқласин.

3. Ўзбекистон Республикаси божхона chegarасидан экспорт операциялари бўйича олиб ўтилаётган товарларнинг божхона расмийлаштирувни амалга оширишда жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан жорий қилинган барча турдаги мажбурий тўловлар ва ижро ҳужжатлари бўйича қарздорлиги мавжудлигини текшириш амалиёти 2021 йил 1 январга қадар бекор қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2020 йил 7 май

Олий таълим

Транспорт университети: СОҶА РИВОҶИ САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ

Рисолат МАДИЕВА

Мамлакатимиз транспорт соҳаси учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш, тизимни илғор хорижий тажриба ва халқаро стандартлар асосида тубдан такомиллаштириш, таълим жараёнига ўқитишнинг инновацион услублари ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш ҳамда соҳанинг илмий салоҳиятини янада ошириш мақсадида куни кеча Президентимизнинг "Транспорт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.



Унга қўра, Тошкент темир йўл муҳандислари институти, Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация институти ҳамда Тошкент давлат техника университети тизимини бирлаштирилиб, Тошкент давлат транспорт университети ташкил қилинмоқда.

Транспорт соҳасидаги мавжуд эҳтиёжлардан келиб чиқиб, халқаро стандартлар ва илғор таълим технологияларини қўллаш асосида олий маълумотли рақобатбардош мутахассислар ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш ва илғор таълим малакасини ошириш, соҳага рақамли технологияларни жорий этиш, илмий муаммолар бўйича фундаментал, амалий ва инновацион изланишлар жорий бориш ва натижаларини амалиётга олиб қилиш янги университет фаолиятининг асосий йўналишларидан саналади.

Шунингдек, янги олий таълим муассасаси олдига қўшма таълим дастурлари, илмий лойиҳаларни амалга ошириш, замонавий таълим дастурларини татбиқ этиш, профессор-ўқитувчилар, илмий ва илмий-педагог кадрларнинг

талабаларининг малакавий ва ишлаб чиқариш амалиётини тегишли соҳа корхоналарида ташкил этиш, битирувчиларни иш билан таъминлаш бўйича мақсадли ҳамкорликни йўлга қўйишдек эзгу мақсад қўзда тутилган.

— Янги университетнинг ташкил этилиши автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспорт фаолиятини уйғунлаштирган ҳамда мувофиқлаштирган ҳолда ишга ташкил қилиш, соҳа бўйича юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни таъминлашга хизмат қилади, — дейди Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатация институти проректори Анвар Назаров. — Қўлаверса, транспорт соҳасида ягона илмий-тадқиқот сибёсини амалга ошириш мазкур олий таълим муассасаси олдидоги муҳим вазифа саналади. Янги университетда қатор ижобий ўзгариш ва янгиликлар бўлиши кутилмоқда. Жумладан, қарорда кўрсатиб ўтилганидек, ректорнинг илмий ишлаб ва инновациялар бўйича ўринбосарлиги хорижий малакали мутахассис жалб этилади. Бу эса чет элда амалга оширилаётган илмий тадқиқотларни мамлакатимизда босқич-босқич амалиётга жорий этиш ҳамда юртимизда олиб борилаётган илмий изланишларнинг сифати ва самардорлигини оширишда катта аҳамият касб этади.

Университетда замонавий талаб даражасида "SMART университет"нинг "Электрон деканат", "Электрон университет", "Student record system" сингари элементлари жорий этилиши назарда тутилган. Шунингдек, 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб 48 та бакалаврият таълим йўналиши ўрнида жаҳон тажрибаси асосида янгиланган дастурларни ўз ичига олган 18 та янги йирик йўналишда кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилади. Шунингдек, мазкур ўқув йилидан бошлаб таълимда кредит-модуль тизими қўлланади. Ўқув режа ва дастурлари, малака талаблари хориж тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, қайта қўриб чиқилади. Талабаларга қабул вқотаси ҳар йили тасдиқланадиган республика олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинган давлат бюржтмасси параметрларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади. 2020/2021 ўқув йилида талабалар контингентининг 13 минг нафардан ошиши кутилмоқда.

Битирувчиларни ўз мутахассислиги бўйича ишга йўналтириш, уларнинг касбий фаолияти мониторингини тизимли ташкил этиш университетнинг асосий фаолият йўналишларидан биридир.

ХАЛҚИМИЗ ЖАСОРАТИ ВА МАТОНАТИ БАРҶАЁТДИР

Бошланиш 1-бетда

Ўзбекистон халқининг уруш йилларида кўрсатган мардлик ва қаҳрамонликлари, фронт ортида кечган оғир ва машаққатли ҳаёти биз учун катта ҳаёт мактаби, ғурур ва ифтихор манбаи бўлиб, вақт ўтган сайин бу ўлмас қадриятларнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Буюк ғалабанинг 75 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан халқимизнинг уруш йилларидаги улкан жасорати ва матонатини аниқ тарихий ҳужжатлар асосида ёш авлодга етказиш, уруш ва меҳнат фронтда заҳмат чеккан инсонларнинг азиз номларини абадийлаштириш мақсадида "Ўзбекистон" нашриётида "Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси" номли китоб-альбом тайёрланиб, "Колор-пак" босмахонасида ўзбек, рус ва инглиз тилларида 20 минг нусхада чоп этилди.

Мазкур китоб-альбом Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага Ўзбекистон халқининг қўшган муносиб ҳиссасига бағишланган китоб-альбомни нашр этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармойиши асосида Фанлар академиясининг Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича Мувофиқлаштирувчи-методик маркази илмий ходимлари томонидан бир қатор вазириш ва идоралар билан ҳамкорликда тайёрланди.

Ушбу нашрда юртимиз ва чет эллардаги архив ва музейларда, уруш қатнашчилари ва уларнинг оилаларида сақланаётган, ҳали қўпчиликка маълум бўлмаган ноёб тарихий факт ва маълумотлар, суратлар, хатлар, хотиралар жамланган.

Китобда ўзбекистонлик аскарларнинг қонли жангларда кўрсатган жасоратлари,



Брест қалъаси, Москва остонаси, Сталинград, Курск, Ленинградни озод қилиш ҳамда Берлин учун бўлган жанглардаги қаҳрамонликлари тарихий фактлар асосида ёритилган.

Ўзбекистонлик қаҳрамон аскар ва офицерлар ҳақидаги янги маълумотлар, жумладан, 24 ёшида Совет Иттифоқи Қаҳрамони бўлган Қўчкор Турдиев, генерал Собир Раҳимов, Шароф Рашидов, Зебо Ғаниева, Мамадали Топиволдиев, Аҳмаджон Шукуров ва бошқа қўллаб ватандошларимизнинг жасоратлари ҳақидаги тарихий лавҳалар китоб мазмунини янада бойитган.

Урушда беш фарзандидан жудо бўлган Зулфия ая Зокированинг матонати тилмолида юз минглаб оналаримизнинг метин иродаси, улкан сабр-бардоши ўз ифодасини топган.

Уша оловли йилларда Ўзбекистонда етти ёшдан етмиш ёшгача бутун халқимиз "Ҳама нарса — фронт учун, ҳамма нарса — ғалаба учун!" деб яшаб, ором ва ҳаловатдан воз кечиб, тинимсиз оғир меҳнат қилгани аниқ мисоллар орқали ёритиб берилган.

Фашизмга қарши курашда юртимиз зиёлилари, илм-фан, адабиёт ва санъат вакиллариининг қўшган муносиб ҳиссаси ҳам китоб-альбомда атрафлича акс эттирилган.

Ушбу нашрда шунингдек, фронт ҳудудларидан кўчириб келтирилган минглаб инсонларга бошлана берган, ота-онасидан жудо бўлган болаларни "Сен өтим эмасан!" деб ўз бағрига олган ўзбек халқининг юксак инсонпарварлик фазилатлари ҳақида сўз боради.

Ўзбекистонда эвакуацияда бўлган шахсларнинг хотиралари, фронтда қатнашган ва унинг ортида меҳнат қилган

ватандошларимиз қалб изтироблари акс этган саҳифалар ҳам китоб-альбомдан ўрин олган.

Қутлуг байрам арафасида "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан яна бир янги нашр — "Ўзбекистонлик Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамонлари" номли китоб ўзбек тилида кенг ўқувчилар оммасига тақдим этилди.

Янги аниқланган тарихий маълумотлар асосида тайёрланган ушбу китобда Иккинчи жаҳон урушида чинакам жасорат намуналарини кўрсатиб, Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлган ўзбекистонлик аскар ва офицерлар, генераллар, шунингдек, ўзининг мардлиги билан учала даражадаги Слава ордени билан тақдирланган ватандошларимиз ҳақидаги маълумотлар хронологик тарзда келтирилди.

Китобдан номлари жой олган инсонларнинг барчаси миллати, тили ва динидан қатъи назар, жонажон Ватанимиз ҳимояси, унинг фаровонлиги ва ободлиги йўлида фидокорона хизмат қилган, ҳаёти ва фаолияти Ўзбекистон билан боғлиқ бўлган қаҳрамонлардир.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: "Иккинчи жаҳон уруши йилларида фашизм балосига қарши курашда кўп миллатли Ўзбекистон халқи томонидан амалга оширилган буюк тарихий ишларни келгуси авлодларга аниқ мисоллар асосида етказиш, уларни жасорат ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш гоя муҳим аҳамиятга эга".

Халқимизнинг яқин ўтмишидаги шонли тарихи, башариятни фашизм балосидан халос этишга қўшган улкан ҳиссаси, енгилмас иродаси ва матонатидан ҳўжоя қилувчи ушбу нашрлар юртимизда инсон хотираси азиз ва муқаддас эканини намоён этиш билан бирга, ҳар биримизни уруш даҳшатларини унутмасликка, бутунги тинч ва осуда ҳаётни қадрлаб яшашга даъват этади.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

МАТЕМАТИКА СОҲАСИДАГИ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ ВА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланғич 1-бетда

учинчидан, олий таълим ва илмий-тадқиқотларнинг узаро интеграциялашувини таъминлаш мақсадида Талабалар шаҳарчасида Фанлар академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институтининг (кейинги ўринларда — Институт) янги ва замонавий биноси барпо этилди. Математика соҳасидаги фундаментал тадқиқотларни молиялаштириш ҳамми бир ярим баробарга оширилди, бюджет маблағлари ҳисобидан суперкомпьютер, замонавий техника ва асбоб-ускуналар харид қилинди;

тўртинчидан, илмий даражали кадрларни тайёрлашнинг бирламчи босқичи сифатида стажёр-тадқиқотлик институти жорий этилди;

бешинчидан, илм-фан соҳасидаги устувор муаммоларни тезкор бартараф этиш, фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтириш масаласини Ҳукумат даражасида белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири раислигида Фан ва технологиялар бўйича республика кенгаши ташкил этилди.

Шу билан бирга, соҳада ечимини топмаган қатор масалалар математика соҳасидаги таълим сифати ва илмий-тадқиқот самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш заруратини кўрсатмоқда. Жумладан:

биринчидан, математика таълимнинг таълим олиш босқичлари ўртасидаги узвийлик тулиқ таъминланмаган;

иккинчидан, умумтаълим мактабларида математика дарсликларни ўқувчиларнинг ёшига нисбатан фанни ўзлаштиришни қийинлаштирувчи мураккаб масалалардан иборат ва бошқа фанларда ўқилган мазмун билан уйғунлаштирилмаган;

учинчидан, математикага қизиқувчан, халқаро олимпиадалар ғолиблари бўлган аксарият иқтидорли ёшларимиз ҳудудлардан бўлишига қарамайдан уларнинг келгуси ривожланиши учун олий таълим ва илм-фан соҳасида зарур шарт-шароит яратиб берилмаган;

тўртинчидан, математика соҳасидаги илмий-тадқиқотнинг амалиёт ва ишлаб чиқариш билан боғлиқлиги заифлиги сақланиб қолмоқда;

бешинчидан, соҳадаги олимларнинг хорижий илмий ва таълим муассасалари билан алоқалари миллий математикани жаҳон миқёсида олиб чиқиш, халқаро ҳамжамиятда нуфузини ошириш учун етарли эмас.

Таълимнинг барча босқичларида математика фанини ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш, педагогларнинг самарали меҳнатини қўллаб-қувватлаш, илмий-тадқиқот ишларининг кўламини кенгайтириш ва амалий аҳамиятини ошириш, халқаро ҳамжамият билан алоқаларни мустаҳкамлаш, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Куйдагилар математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш, илмий-тадқиқотларни ривожлантириш ва илмий ишланмаларни амалиётга жорий қилишнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал, олий таълим ташкилотлари ва илмий муассасалар ўртасидаги яқин ҳамкорликни таъминловчи яхлит тизимни шакллантириш;

илгор хорижий тажриба асосида мактабгача ёшдаги болаларда илк математик тасаввурларни шакллантириш бўйича замонавий педагогик технологияларни жорий қилиш;

умумий ўрта ва ўрта махсус таълим муассасаларида математика фанларини ўқитиш сифатини ошириш, ҳудудларда математика фанига ихтисослаштирилган мактаблар фаолиятини ривожлантириш ҳамда янги мактабларни ташкил этиш;

математика фани бўйича кадрларни, хусусан қишлоқ жойлардаги мактабларнинг кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ривожлантириш, математика фани бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни такомиллаштириш;

иқтидорли ёшларни аниқлаш ҳамда уларнинг математика фани бўйича маҳаллий ва халқаро фан олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этишини ҳамда совринли ўринларни эгаллашини таъминлаш;

таълим беришнинг онлайн платформасини яратиш ва амалиётга таъбиқ этиш, масофадан ўқитиш тизими самарадорлигини ошириш, баҳолаш тизимининг шаффофлигини таъминлаш механизмларини жорий қилиш;

Математика фанини билиш даражасини баҳолаш бўйича миллий сертификатлаштириш тизимини жорий қилиш, олий таълимнинг тегишли йўналишлари ва мутахассисликларида математика фани бўйича машғулотларни кўпайтириш ҳамда таълим бериш сифатини ошириш;

математика соҳасидаги илмий-тадқиқотларнинг ишлаб чиқариш билан узвий боғлиқлигини таъминлаш, амалий математикани ривожлантириш ва иқтисодиёт тармоқларидаги муаммоларни моделлаштириш асосида математик ечимларни ишлаб чиқиш;

математика соҳасида таълим олаётган ва илмий-тадқиқотлар билан шуғулланаётган иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, чет элдаги олий таълим муассасалари ҳамда илмий ташкилотлар билан алоқаларини ривожлантириш;

мамлакатимизнинг илмий ва таълим ташкилотларини босқичма-босқич жаҳоннинг математика фани бўйича етакчи илмий марказлари даражасига етказиш.

2. 2020-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасида математика фанлари бўйича таълим сифатини яхшилаш, илмий-тадқиқотларнинг натижадорлиги ва амалий аҳамиятини оширишнинг мақсадли дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Фанлар академияси ва Инновацион ривожланиш вазирлигининг ҳар бир туманда (шаҳарда) математика фанини чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактабларни (кейинги ўринларда — Ихтисослаштирилган мактаблар) босқичма-босқич ташкил этиш тўғрисидаги тақдир қилинган.

4. Белгилансинки, Ихтисослаштирилган мактабларда:

мактаб директори тегишли туман (шаҳар) ҳокимининг иқтисодий ва бошқарув жараёнарига математик усуллар ва моделларни жорий қилиш масалалари бўйича маслаҳатчи хисобланади;

мактаб директори Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан Институт директори билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

математика фани чуқурлаштирилиб ўқитиладиган синфлар босқичма-босқич, мавжуд эҳтиёж ва ўқувчиларнинг қобилиятидан келиб чиқиб ташкил этилади;

ўқувчилар белгиланган тартибда танлов асосида саралаб олинади;

математика фани чуқурлаштирилиб ўқитиладиган синф битирувчилари тегишли олий таълим муассасаларининг математика таълим йўналишларига улар учун белгиланган мақсадли параметрлар бўйича ўқишга қабул қилинади.

5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда уч ой муддатда:

Ихтисослаштирилган мактабларнинг низомларини, мазкур мактабларда математика фани ўқитувчиларини танлов асосида ишга қабул қилиш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

2021 йил 1 сентябрдан бошлаб Ихтисослаштирилган мактаблар раҳбар кадрлари (директор ва ихтисослашган фан бўйича директор ўринбосари) ва математика фани ўқитувчиларининг базавий таълим сифатига нисбатан 50 фоиз миқдорда ҳар

ойлик устама ҳақ тўлаш тартибини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

6. Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ихтисослаштирилган мактабларда Институт ва олий таълим муассасаларининг юқори малакали профессор-ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда, масофавий таълим орқали дарс машғулотларини ўтказиш чораларини кўрсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази Фанлар академияси ва "Ўзстандарт" агентлиги билан биргаликда 2021 йил 1 январга қадар Математика фанини билиш даражасини баҳолаш бўйича миллий сертификатлаш тизимини (кейинги ўринларда — Миллий сертификатлаш тизими) жорий қилсин.

8. Миллий сертификатлаш тизими доирасида куйдагилар белгилансин:

математикани билиш даражасини баҳолаш ва бу тўғрисида миллий малака сертификатини (кейинги ўринларда — миллий сертификат) бериш ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан амалга оширилади;

математикани билиш даражасини баҳолаш табақалаштирилган ҳолда амалга оширилади;

имтиёз берилмаган даражадаги миллий сертификатга эга абитуриент давлат олий таълим муассасасига ўқишга киришда математика фанидан тест синови топширишдан озод этилади ва унга математика фани учун белгиланган максимал балл берилди;

2021 йил 1 сентябрдан бошлаб Ихтисослаштирилган мактабларнинг математика фани бўйича ўқитувчилари тегишли даражадаги миллий сертификатга эга бўлишлари мажбурий хисобланади;

Миллий сертификатлаш тизими учун тест топшириқлари базасини шакллантириш ва мунтазам янгилаб боришда эксперт сифатида Институт илмий ходимлари жалб қилинади;

миллий сертификатнинг тегишли даражасига эга математика фани ўқитувчиларига (Ихтисослаштирилган мактабларнинг математика фани ўқитувчиларидан ташқари) улар фаолият олиб бораётган давлат таълим муассасасининг жойлашувига қараб базавий тариф ставкасига нисбатан 25 фоиздан 50 фоизгача ҳар ойлик устама ҳақ тўланади.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда илмий фаолиятга доир давлат дастурига ажратилган маблағлар ҳисобидан 2021 йил 1 январга қадар Миллий сертификатлаш тизимининг онлайн платформасини ишлаб чиқсин ва жорий этсин.

10. Институт таркибида 5 та штат бирлигидан иборат Математика таълими бўйича ўқув-усlubий материалларни мувофиқлаштириш лабораторияси ташкил этилсин.

Белгилансинки, "Математика таълими бўйича ўқув-усlubий материалларни мувофиқлаштириш" лабораторияси фаолиятини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан Институтни сақлаш учун ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади.

11. 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ давлат таълим муассасаларида қўлланиладиган математика фани бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни ишлаб чиқишда мажбурий тартибда Институтнинг эксперт ҳулосаси олинади.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2020 йил 1 сентябрда қадар: математика бўйича билим, малака ва кўникмалар талаб этиладиган таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг ўқув режаларида математика фани учун ажратилган соатлар ҳажминини ошириш;

кадрлар истеъмолчилари мутахассисларини жалб этган ҳолда битирувчиларда соҳага оид математика бўйича амалий билим, малака ва кўникмаларни шакллантириш ҳамда ривожлантириш қаратилган лойиҳа ишларини амалга ошириш;

кадрларни интеграция фанларро тайёрлаш мақсадида математика таълим йўналишларида кўшимча фанларни (биология, геология, кимё, физика ва бошқалар) жорий қилиш чораларини кўрсин.

13. Институт ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Математика фани ва таълимини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Жамғарма фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида Институт тузилмасида Жамғарма маблағлари ҳисобидан сақланадиган 2 штат бирлигидан иборат Математика фани ва таълимини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини бошқариш гуруҳи ташкил этилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Фанлар академиясининг математика соҳасидаги фундаментал ва амалий илмий изланишлари натижаларига қўра, амалиётдаги муайян муаммонинг ечимини тақдир этган олимларни мукофотлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мухаммад Ал-Хоразмий номидаги халқаро мукофотини (кейинги ўринларда — Мукофот) таъсис этиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

15. Белгилансинки:

Мукофот билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқароллиги бўлмаган шахслар тақдирланади;

Мукофот икки йилда бир марта Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Фан ва технологиялар бўйича республика кенгашининг тақлифига қўра, унга йўналиш (фундаментал соҳадаги тадқиқот, ёшлар ўртасидаги тадқиқот ва иқтисодиётнинг реал секторидagi муаммонинг ечимини таъминлаш тадқиқот) бўйича берилди;

ҳар бир йўналиш бўйича Мукофот совриндорларига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 50 минг АҚШ доллари эквивалентидаги пул мукофоти берилди;

Фан ва технологиялар бўйича республика кенгашида Мукофот номзодларини кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг тавсияномасига қўра, амалга оширилади;

тақдирлаш учун номзодлар бўйича тақлифлар Ўзбекистон математика жамияти томонидан ўтказиладиган доимий кузатувлар асосида шакллантирилади ва Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этилади;

Мукофот совриндорига пул мукофотини тўлаш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш 2021 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали Бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Инновацион ривожланиш вазирлиги ажратиладиган маблағлар доирасида амалга оширилади.

16. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Молия вазирлиги ва Фанлар академияси билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мухаммад Ал-Хоразмий номидаги халқаро мукофоти билан тақдирлаш тартибини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

17. Қорақалпоғистон Республикасида, Бухоро, Наманган, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институтининг ҳудудий бўлинмалари (кейинги ўринларда — ҳудудий бўлинмалар) ташкил этилсин ҳамда уларнинг намунавий штат жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

18. Белгилансинки:

ҳудудий бўлинмалар ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан Институтни сақлаш учун ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади;

ҳудудий бўлинмалар жойлаштирилган бино ва

иншоотларни сақлаш ҳамда коммунал тўловлар бўйича харажатларни қоплаш тегишли олий таълим муассасасининг бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

ҳудудий бўлинмалар юридик шахс ҳисобланмайди ва Институтнинг таркибидagi илмий бўлинмалари сифатида фаолият юритади;

ҳар бир ҳудудий бўлинма таркибидa бир штат бирлигидан иборат, 2021 йилда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан сақланадиган ва 2022 йилдан бошлаб тулиқ хўжалик ҳисобига ўтказиладиган Ўқув марказлари фаолият юритади;

ҳудудий бўлинмаларнинг раҳбарлари Институт директори томонидан тегишли олий таълим муассасасининг ректори билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

ҳудудий бўлинмаларнинг илмий-тадқиқот ишлари доирасида амалга оширилади.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Фанлар академиясининг Институт ҳузурида қўнун хўжалиқларига мувофиқ ҳолда математика ихтисосликлари бўйича фан доктори (DSc) ва фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини берувчи илмий кенгаши (кейинги ўринларда — илмий кенгаш) ташкил этиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

20. Институт раҳбарияти илмий кенгаш аъзоларининг ярмидан кўпи Институтда фаолият юритаётгани, шу жумладан, ўриндошлик асосида жалб этилишини ҳамда изланувчиларнинг диссертацияларига илмий раҳбарлик ва маслаҳатчилик қилишини таъминласин.

21. Белгилансинки:

изланувчининг диссертацияларини илмий семинар ва илмий кенгаш йиғилишларида кўриб чиқиш ҳамда муҳокама қилиш санаси илмий кенгаш томонидан белгиланади;

изланувчиға тегишли илмий даражани бериш тўғрисидаги қарор илмий кенгаш томонидан қабул қилинади;

илмий кенгаш изланувчиға диссертацияни муваффақиятли ҳимоя қилган куннинг ўзидa давлат намунасидаги илмий даража бўйича дипломини бериш ваколатига эга;

илмий кенгашнинг таркиби Институт кенгаши тавсиясига қўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси билан келишилган ҳолда Институт кенгаши қарори билан тасдиқланади.

22. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги Институт учун Тошкент шаҳар Олмасор тумани Университет кўчасида янги қурилган бинони Институтга оператив бошқарув ҳуқуқи асосида безарас ўтказиб берилишини таъминласин.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги "Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институтини фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ–4387-сон қарорига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш киритилсин.

24. "Ўзбекино" Миллий агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиоконпанияси, Молия вазирлиги ва Фанлар академияси математика соҳасидаги таниқли олимлар ҳақида туркум бадвий ва ҳужжатли фильмларни суратга олиш чораларини кўрсин.

25. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ


Тошкент шаҳри, 2020 йил 7 май

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "РЕСПУБЛИКАДА КАРТОШКА ЕТИШТИРИШНИ КЕНГАЙТИРИШ ВА УРУҒЧИЛИГНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ги ҚАРОРИ қабул қилинди


КАРТОШКАЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИ ВА КООПЕРАЦИЯЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ



ҚАРОРГА МУВОФИҚ Картошкачиликка ихтисослаштирилаётган туманларда КАРТОШКАЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИ ВА КООПЕРАЦИЯЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ.



ИСТЕЪМОЛ ВА УРУҒЛИК картошкага бўлган ИЧКИ БОЗОР ТАЛАБНИ ҚОНДИРИБ, унинг ЭКСПОРТИ КЕНГАЙТИРИЛАДИ.




Уруғлик картошкани сақлаш, саралаш, етказиб бериш ва ҚАЙТА ИШЛАШ йўлга қўйилади.

ИННОВАЦИОН ва РЕСУРС ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА яхлит майдонларда истеъмол ва уруғлик КАРТОШКА ЕТИШТИРИЛАДИ.



Уруғлик картошканинг супер элита ва элита авлодлари етиштиришни кенгайтирилиб, уруғликлар тайёрланади, замонавий КАРТОШКА ПЛАНТАЦИЯЛАРИ БАРПО ЭТИЛАДИ.



Картошка экиш учун мўлжалланган экин майдонининг камидa 50 фоизда уруғлик картошканинг супер элита ва ЭЛИТА АВЛОДЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ йўлга қўйилади.



2020 йил 1 майдан бошлаб картошка етиштирувчи фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги корхоналари, шунингдек, картошкачилик кластерлари ва кооперацияларининг уруғлик картошка харид қилиш харажатларини молиялаштириш учун уларга 12 ОЙ МУДДАТГАЧА ТИЖОРAT КРЕДИТЛАРИ АЖРАТИЛАДИ.

2023 йил 1 июлгача бўлган муддатга четдан олиб кирилаётган уруғлик картошка БОҒИХОНА БОЖИДАН ОЗОД ЭТИЛАДИ.

Саховат — мақтов ила ёд этилув ғазилат.

Маҳмуд Замахиарий

Бугуннинг гапи

Шундай улуғ халққа мансублик фахрдир



Элмира БОСИТХОНОВА, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари, сенатор

Бутун инсоният ва айнан халқимиз учун ҳам синовли кунларда яшаймиз. Не-не жангу жадаллардан, тарихий синовлардан омон ўтиб келаётган халқимизга барчамизнинг юрагимизга оғирлик қилаётган бу фавқулодда воқеалар ҳақида сўз айтиш оғир. Лекин бир яхши сўзга, таскин ва далдага муҳтож турган юртдошларимизга, бир-биримизга умид бағишлайдиган, олдиндаги ҳаёт учун, азиз фарзандлар камоли учун руҳ берадиган сўз айтиш юрак амри ҳамдир.

Хар ёмондан бир яхшилик топадиган халқимиз. Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё вилоятларига зарар етказган табиий офат, Сардоба сув омбори дамбасининг бузилиши ўзи шундоқ ҳам коронавирус кутқусидан хавотирда турган ҳар биримизнинг юрагимизни алғов-далғов қилди. Лекин халқ шундай оғир дамларда ўзининг сабр-бардоши, оқилона ва вазмин, ҳамжиҳат ҳаракатлари билан синовда голиб чиқиб тайин.

Хар кунни худудларнинг Сардобага юбораётган ёрдамларини, хайрия ҳимматларини, Сирдарё ахлидан хавотир олаётган юртдошларнинг эзгу ишларини кузатиб, уларнинг бир бўлагига айлиб кетасан киши. Бу эзуликлар шу халққа мансуб эканиндан фахрлангиларди.

Меҳр ва мурувват ёрдамларини кўрсатиш мақсадида ташкил этилаётган инсонпарварлик ёрдамлари — болажонлар учун ўйинчоқлар, китоб, қалам-дафтарлар, кўрпа-тўшаклар, кийим-кечаклар, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа зарур нарсалар орттирилган автомобиллар карвонининг сирдарёликлар кўчирилган худудларга йўл олаётганини кўриб, беихтиёр бўзгингизга аччиқ йиғи қадалади.

Қайси мансуб, лавозимда бўлмайлик, аввало, инсонимиз. Ўзбекистон деган азиз юртининг фарзандимиз, шу халққа мансубимиз. Кўрсатилаётган ёрдамларни дам-бадам эфирда, ижтимоий тармоқларда кўриб, синовли кунларни бу улкан халқ муносиб ўтказётганидан фахр туясан киши. Ҳамдардлик

ва юксак инсоний фазилатлар билан қиланайётган эзгу савб-ҳаракатлардан баъзи мисолларга эътибор беринг:

“3 май кунни сирдарёлик ҳамюртларимиз учун Андижон вилояти ҳокимлигининг 4 миллиард сўмлик навбатдаги инсонпарварлик кўмаги юборилди. 17 та юк машинасига орттирилган кўмак карбониди озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар, санитария-гигиена ҳамда табиий воситалар, бирламчи эхтиёж учун зарур анжомлар мавжуд”.

“Наманган вилояти ҳам сирдарёлик ватандошларимизга ёрдам қўлини чўзмоқда. Хайрия ёрдами юкланган автоуловлар карвони йўлга тушди. Кўнглингизни чўктирманг, биз сиз билан биргамиз, азиз сирдарёликлар!”

“Биз, фарғоналиклар бошига мусибат тушган сирдарёлик ватандошларимизни, фавқулодда вазият туфайли зарар кўрган оилаларни қўллаб-қувватлашга тайёрмиз! Уларнинг қайғуси бизники ҳамдир, синовни эса бирга енгамиз!”

“Қадим ва гўзал Самарқанд вилояти сирдарёлик ҳамюртларимиз учун 5 миллиард сўмлик ёрдам маблағи ажратди. Муҳими, бошингиз омон бўлсин, жонга зарар етмасин! Синовни биргалликда енгамиз, азиз ҳамюртлар!”

“Сардобадаги сув тошқинидан уйсиз қолганлар диққатига! Агар Тошкент шахрига келолсангиз, бир қатор уйлари (кўрпа-тўшак, телевизор, ошхона мебоеллари билан) тайёрлаб қўйдик. Беғараз, текинга! Келиб,

бемалол яшашингиз мумкин, биз ёнингизда-миз, азиз сирдарёликлар!”

Биз “бир тикан ҳам Яратганнинг изнисиз кирмайди”, деган мутлақ ҳақиқатлар руҳида улғайган халқимиз. Яратган бизни шундай таҳликалар ва фалокатлар синовиди бир-биримизга ғамхўр, меҳрибон, ҳамжиҳат қилаётгандек. Халқ сифатида ўз хулосаларимизни чиқариб олаётгандекмиз, тобора жипслашиб, янада яқинлашаётгандекмиз.

Президентимиз Сардоба сув омборининг бузилишидан жабр кўрган, умрбод ватан тузган бошпанасидан, мулкидан, хотиржам ҳаётдан айрилган юртдошларимиз вакиллари билан учрашганида, айниқса, аёллар ва ёшларни ваҳимага берилмасдан, тушкунликка тушмасдан бу синовли кунлардан ўтказиб олишга ундади. Азалдан бундай мураккаб вазиятларда эътибор билан эҳтиётланадиган инсонлар аёллардир, ҳимоя қилинадиган саф ёшлардир. Шу боис, бу қатлам вакилларига ҳам, ҳатто тинчлик ҳукмирон пайтларда ҳам алоҳида ёндашув, мунтазам ғамхўрлик зарур. Биз ҳеч қачон “Бир дунё қонунлари яратиб қўйдик, аёллар ёки ёшлар муаммоларини ҳал этиб бўлдиқ, энди бу масалани кун тартибидан чиқарасан ҳам бўлади”, дея олмаймиз. Бу фалокат жабрдийдаси бўлган аёллар ва ёшларимиз, болажонларимизга алоҳида муносабатда бўлиш талаб этилмоқда.

Вазиятни ўнглаш, талафотларни бар-тароф этишга давлат ва нодавлат ташкилотлар, ташаббускор, кўнглили фуқаролар ҳам ўз ҳиссаларини баҳоли қудрат қўшмоқда. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги бошчилигида Сирдарёнинг Сардоба, Оқолтин, Мирзаобод туманларида бир қатор йўналишларда иш бошланди. Ҳозир талафот этган хонадонлар ва оила аъзоларининг йўқолиган ҳужжатлари (хонадон паспорти, фуқаролик паспорти ва хоказо) рўйхатини шакллантириш, ҳужжатларни тиклаш, шунингдек, чорва молларининг ҳисобини олиб борасида ишлар бошлаб юборилди.

Тошқиндан зарар кўрган юртдошларимиз бошпаналаридан айрилдилар, лекин уларнинг бошида улкан Ватан — Ўзбекистон турибди. Бутун бир халқимиз турибди. Албатта, бу синовни ҳам енгиб ўтамиз!

марҳамат қилинганидек, “амалларнинг афзали мўмин қалбига хурсандчилик киритишдир”.

Тарихимизнинг ҳар бир даврида шундай маърифат эгалари яшаган. Утган асрнинг шундай зотларидан бири — маърифатпарвар, илму маърифатга, фан ва техника тараққиётига интиланган, Ўзбекистон тарихида ўзига хос саҳифа яратган жадид бобомиз Абдулла Авлоний 1909 йили “Жамияти хайрия” ташкилотига асос солган. Унинг мақсади ёш авлодни маърифатли қилиш йўлида мактаблар ташкил этиш, муҳтож, боқувчисини йўқотган болаларга ҳомилий қилиш, меҳрибонлик уйлари ташкил этиш, талабаларга ёрдам кўрсатиш бўлган. Бунга муайян даражада эришган ҳам.

Кўриниб турганидек, яхшилик халқимизга бегона эмас, аксинча, унинг қонида, урф-одатлари эзгу қадриятларида мужассам. Унутмаслик лозимки, бир одамнинг саховати натижасида қўллаб одамларнинг қалби ёришиб, инсонлар орасида меҳр-оқибат мустаҳкамланади.

Аслида ислом эътиқодида ўзига тўқ кишиларнинг молидан муҳтож кишиларга ҳам ҳақ-насибалар ажратилиб бориши назарда тутилган. Шу боис, мўмин киши ўзининг эҳтиёжманд биродарига, ватандошига кўмак кўрсатиши унинг маънавий бурчидир. Бу ҳаракат унинг ҳақиқа дуо, ташаккур айтилишига сабаб бўлиб, икки ўртада шукроналик, меҳр-оқибат ортади.

Шоир айтганидек: *Эй дўст, ғаниматдур, бойлик, сарватинг, Бир кун қўлдан кетса молу давлатинг. Муҳтожлар қадрига етса ҳимматинг, Давлатинг борида саховат қилин.*

Бу — бойлик, молу дунёнинг вақтинча эканидан огоҳлантириш, имкон борида саховат қилишга, савоб ишларга чақирқ-чорловдир. Миллатнинг бугуни ва келажagini уйланган ҳар бир инсон бунга “лаббай”, дея жавоб қайтариши лозим. Негаки, бу ташаббус нафақат ўзаро кўмак, балки бирдамлик ва ҳамжиҳатлик ҳамдир. Чунки чин инсоний фазилатлар халқ бошига иш тушганда, қийинчилик пайтларида кўринади.

Халқ бўлиш саодати қандай эканини кўрсатиш фурсати келди. “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати чин маънода миллионлаб оилалар, кўнглилар ва қалблар ҳаловатига сабаб бўлувчи эзулик маъғи бўлиб қолсин!

Долзарб мавзу

Абдурауф ҚОРЖОВОВ, иқтисодий шарҳловчи

Давлатимиз раҳбари жорий йил 4 май куни ёқилги энергетика тармоғида самарадорликни ошириш, энергия сарфини оптималлаштириш масалалари юзасидан йиғилиш ўтказди. Унда мамлакатимизда иқтисодийнинг кескин ривожлантириш бўйича катта мақсадларни амалга ошириш учун янги энергия қувватларини ишга тушириш, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш вазифалари муҳокама этилар экан, қайта тикланувчи энергия соҳасида ҳали тўла ишга солинмаётган улкан захиралар мавжудлиги қайд этилди. Албатта, бу йўналиш бошида катта харажат талаб қилади, лекин келажакда табиий газ ва нефть танқислигини ҳал қилиш, истъмоқчилар учун эса сарф-харажатларни камида 2 баробар тежаш имконини берса, ўзини оқлайди.

ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯ ЭЛИМИЗ ҚАЛБИДАЙ МУСАФФО, ОФТОБ МИСОЛ ҲАРОРАТЛИ

Муқобил энергетика имкониятлари

Она заминимиздаги табиат ва тириклик офтоб туфайли барҳаёт. Инсон томонидан оловнинг яратилишидан бошлаб баъшарият тараққиёти янги даврга қадам қўйди. Кейинги асрлар мобайнида ҳаётимиз кўмир, электр, нефть, газ, атом каби энергия турлари билан бойиди. XXI аср эса қайта тикланувчи қувватлар даври сифатида тарих саҳифасидан жой олмақда.

— Агар 1984 йилда жаҳонда 1 мегаватт қайта тикланувчи энергия ишлаб чиқарилган бўлса, 2020 йилга келиб, бу миқдор қарийб 200 миң мегаваттни ташкил этди. Яъни 200 миң баравар ортди, — дейди техника фанлари доктори, профессор Мухаммад Турсунов.

— Ўзбекистонда қайта тикланадиган энергия манбалари салоҳияти юқори, — дейди Жаҳон банкнинг энергетика соҳасидаги глобал амалиёт раҳбари Самир Шукла. — Мамлакатда деярли ҳар кун офтоб нур сочиб туради, текисликларда кучли ҳаво оқимлари вужудга келади. Бу қайта тикланувчи энергия манбаларини амалиётга жорий этиш учун қулай имконият яратади.

Актинометрик станциялар тармоғининг қузатувлари юртимизда ўртача ҳар йилнинг 300 кундан ортиги кўёш саховатидан тўла баҳраманд бўлишини, турли худудларга турт фасл давомида 2400 дан 3090 соатга қадар таратиб туришини кўрсатади. Маълумотларга қараганда, айни пайтда Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергиянинг электр қуввати бўйича имкониятлари қуйидагича:

Кўёш энергияси — 525 дан 760 млрд кВт.с. гача, шамол энергияси — 1 трлн. кВт.с. гача, гидроэнергетика — 21 млрд. кВт.с. дан ортиқ, биомасса — 6 млрд. куб метр.

Биз ана шундай беқимс табиий бойликка эгамиз. Ўз навбатида, мазкур электр энергиясини ҳосил қилиш учун чуқур ер ости қатламларида қазиб, бурғилан ишлари олиб борилмайди, фойдаланилганидан кейин чиқилган кенг майдонларни эгаллаб ётмайди, ҳавони булғамайди. Табиатимиз ўзи элимиз қалбидай мусоффо, офтоб мисол ҳароратли энергияни инъом этади.

Табиат инъомларидан фойдаланиш самаралари

Кейинги йилларда мамлакатимизда қайта тикланувчи энергиядан фойдаланишни кенгайтириш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар қўрилди. Президентимизнинг 2019 йил 22 августдаги “Иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергияни тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тегиж чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган комплекс дастурга мувофиқ, 2030 йилгача қайта тикланувчи энергия манбалари улуши электр энергиясининг умумий ҳажмида 25 фоизга етказилади. Фақатгина кўёш электр станцияларининг ўзи 2030 йилга бориб, йилга 1,5 миллиард

куб метр табиий газни тежаш ва қўшимча равишда 5 млрд. кВт.соат яшил энергия ҳосил қилишга имкон яратади.

Бу мақсадга эришиш учун замонавий кўёш фотоэлектрик станциялари ва кўёш сув иститиқчиларини босқичма-босқич ўрнатиш (иссиқлик таъминотининг марказлашган тизимлари уланган объектлар бундан истисно), энергия самарадор иштироқчи турлари қарори билан тасдиқланган комплекс дастурга мувофиқ, 2030 йилгача қайта тикланувчи энергия манбалари улуши электр энергиясининг умумий ҳажмида 25 фоизга етказилади. Фақатгина кўёш электр станцияларининг ўзи 2030 йилга бориб, йилга 1,5 миллиард

куб метр табиий газни тежаш ва қўшимча равишда 5 млрд. кВт.соат яшил энергия ҳосил қилишга имкон яратади. Бу мақсадга эришиш учун замонавий кўёш фотоэлектрик станциялари ва кўёш сув иститиқчиларини босқичма-босқич ўрнатиш (иссиқлик таъминотининг марказлашган тизимлари уланган объектлар бундан истисно), энергия самарадор иштироқчи турлари қарори билан тасдиқланган комплекс дастурга мувофиқ, 2030 йилгача қайта тикланувчи энергия манбалари улуши электр энергиясининг умумий ҳажмида 25 фоизга етказилади. Фақатгина кўёш электр станцияларининг ўзи 2030 йилга бориб, йилга 1,5 миллиард

Ишлаб чиқарган ва харид қилганга ҳам имтиёз бор

Давлатимиз раҳбарининг юқорида тилга олинган қарориди қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ишлаб чиқарган ва ундан фойдаланганлар учун ҳам имтиёз, енгилликлар назарда тутилган.

Хусусан, ана шундай қурилмаларни ишлаб чиқарувчилар давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан беш йил муддатга солиқнинг барча турларини тўлашдан, ана шундай тежамкор воситаларни (номинал қуввати 0,1 МВт ва ундан ортиқ бўлган)

ўрнатганлик учун улар фойдаланишга топширилган пайтдан эътиборан ўн йил муддатга мол-мулк солигидан озод этилади. Бундан ташқари, қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари билан банд бўлган участкалар, энергетика ресурслари тармоқларидан тулиқ узиб қўйилган яшаш учун мўлжалланган жойларда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланувчи шахслар уч йил муддатга ер солиғи тўламайди.

Иштиқболнинг жозибадор лойиҳалари

Олим-мутахассисларнинг башоратига кўра, яна ўн йилдан кейин бутун дунё ёқилги энергетикасида кўёш қувватларининг улуши 37 фоизга, 2050 йилга бориб эса 70 фоизга етади. Шамол энергетикасининг ҳиссаси 2030 йилда 32 фоиз, гидро ва биокүватлар улуши тегишли равишда 8 ва 2 фоиз атрофида бўлиши кутулимоқда.

Ўзбекистон ўз олдига 2030 йилгача электр энергия ишлаб чиқарилишининг умумий ҳажмида қайта тикланувчи энергия манбаларини 25 фоизга етказиш мақсадини қўймоқда. Ҳозирги пайтда ушбу кўрсаткич 10 фоизни ташкил этади. Шу боис, 10 йил давомида умумий қуввати 5000 МВт га тенг кўёш, 3000 МВтга тенг шамол электр станцияларини қуриш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

— Айни кунда вазирлигимиз томонидан Жаҳон банки, Осие тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки кўмағида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига амалга ошириладиган лойиҳаларга инвесторларни танлаб олиш чора-тадбирлари қўрилди, — дейди энергетика вазирлиги ўринбосари Шерзод Ҳужаев. — 2021 йилнинг

охиригача Ўзбекистонда ҳар бирининг қуввати 100 МВт. га тенг иккита фотоэлектр станцияни фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда. 2019 йилда Ўзбекистонда Жаҳон банки гуруҳига кирувчи Халқаро молиявий корпорация (IFC) кўмағида ўтказилган халқаро тендернинг биринчи босқичида 12 та мамлакатдан 23 та компания иштирок этди ва унда “Masdar” (БАА) компанияси голиб деб эълон қилинди. БАА экспертлари баҳосига кўра, кўёш электр станцияси йилга 60 млн. кВт.с. электроэнергия ишлаб чиқаради. Ушбу компания Зарафшон шаҳрида умумий қуввати 500 МВт. га тенг шамол электр станцияларини қуришга ҳам иштирок этади.

Шунингдек, шу йил бошидан Самарқанд ва Жиззах вилоятларида ҳар бирининг қуввати 200 МВтга тенг иккита фотоэлектр станция қуриш бўйича тендер эълон қилинган. Ана шундай лойиҳа Осие тараққиёт банки кўмағида Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида ҳам амалга оширилади. Европа тикланиш ва тараққиёт банки юртимизда шамол энергияси бўйича лойиҳаларни ривожлантиришда амалий ёрдам кўрсатмоқда. Уларнинг умумий қуввати 1000 МВт. га тенг бўлади. Шу билан бирга, йирик компаниялар билан биргедан-тўғри музокаралар олиб борилмоқда. Хусусан, “TOTAL Eren” компанияси (Франция) билан Самарқанд вилоятининг Нуробод туманида фотоэлектр станция барпо этилади. Яна бир йирик компания — ACWA Power (Саудия Арабистони) билан қуввати 500 — 1000 МВтга тенг шамол электр станциясини қуриш бўйича бепит имзоланди. Бундан инвестициялар 550 — 1,1 млрд. АҚШ долларини ташкил этади. Шамол электр станциясининг ишга туширилиши 2023 йилга мўлжалланмоқда. Юртимизда қайта тикланувчи энергия манбалари бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар сони муттасил ортиб бормоқда. Ушбу лойиҳалар бўйича инвесторларнинг тақлифларига давлат томонидан кафолатлар берилиши кўзда тутилган бўлса-да, жаҳон энергетика бозори йирик вакилларининг мамлакатимизда жиддий иш юритишга қизиққан инвестициявий муҳитнинг жозибадорлигидан далолат беради.

БУЮКЛАРГА ЯРАШГАН ХИСЛАТ

Жаҳонгир ТОҲИРОВ, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ўқитувчиси, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Рамазон ойида инсоний фазилатлар кўпроқ намоён бўлади. Бу азалий қадрият, миллий маънавият, қолаверса, эътиқод ва имон талабидир.



Юртимизда муборак Рамазон шукуҳи кезмоқда. Бу ойда имони мустаҳкам, қалби яхшиликларга тўлган ватандошларимиз “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасида кам таъминланган, моддий ва маънавий кўмакка муҳтож кишиларга ёрдам кўрсатишга, уларнинг ҳолидан хабар олишга, кўнглиларга ҳаловат улашшга шошилмоқда.

Эзгу амаллар тарғиботчиси, улуғ аждодимиз Абу Лайс Самарқандий X асрда яшаган фақиҳ, муфассир, воиз бўлган.

Унинг “Бахр ул-улум” (“Илмлар денгиши”), “Бўстон ул-орифин” (“Донишмандлар бўстони”), “Танбех ул-гофилин” (“Илмсиз-

ларга насиҳатлар”) каби асарлари асрлар мобайнида аҳамиятини йўқотмаган. Улар орасида, айниқса, “Танбех ул-гофилин” саховат ва кўмак ҳақидаги ҳикматлари билан машҳур.

Абу Лайс Самарқандий доим саховат қилишга чақирган. Олимнинг фикрича, саховат қилган инсоннинг билиб-билмай қилган хатолари кечирилади, турли касаллик ва баълолардан фориг бўлади, молу дунёси ҳамда ризқида барака кўпаяди. Бундан ташқари, яхшилик кўрган муҳтожнинг кўнгли кўтарилади. Бу эса энг яхши иш, улкан савобдир. Зеро, муборак ҳадиси шарифда

Янги қарор лойиҳаси

ЯГОНА ЭЛЕКТРОН ЧИПТА СОТИШ ПОРТАЛИ

соҳадаги рақобатни ривожлантирадими ёки...

Карим МАМАТОВ,
Монополияга қарши курашиш кўмитаси бошқарма бошлиғи ўринбосари

Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида ягона электрон чипта сотиш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишининг ягона электрон тизими (regulation.gov.uz)га жойлаштирилган эди.

Унда мамлакатимиз Президентининг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш ва мамлакатнинг ноёб маданий ва тарихий меросини оммалаштириш учун қўлай шарт-шароитларни яратиш, миллий туристик салоҳиятини жаҳон саноҳида ҳар томонлама фаол тарғиб қилиш ҳамда транспорт соҳасида монополиядан чиқариш жараёнларини чуқурлаштириш бўйича самарали чораларни кўриш мақсадлари ўз ифодасини топган.

Қарор лойиҳасига кўра, Маданият, Молия ва Транспорт вазирликлари ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат кўмитасининг ягона электрон чипта сотиш порталини ишга тушириш ва йўловчи ташиш хизматларини кўрсатиш миллий тизимини яратиш юзасидан чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш ҳамда мазкур порталнинг ягона операторни масъулияти чекланган жамият шаклида ташкил этиш тақлифларига розилик берилган.



Порталнинг рақобатга таъсири қандай бўлади?

Қарор лойиҳасида Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси ҳамда “Ягона республика процессинг маркази” МЧЖ операторнинг муассислари ҳисобланадиган ҳақда устав капиталда тегишли равишда 49 ва 51 фоиз улушлари билан иштирок этиши кайд этилган. Транспорт вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат кўмитаси, “Ўзавтовокзал сервис” ДУК ва йўловчилар автостанциялари, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ва “Uzbekistan airways” АЖ чипталарни брон қилиш, сотиш ва қайтариб олиш, шунингдек, оператор билан агентлик шартномасини тузиш кўзда тутилган ҳолда, барча мавжуд чипта сотиш ахборот тизимларини ягона электрон чипта сотиш портали билан интеграциялашни таъминлаш ҳам кўзда тутилган.

Лойиҳадаги айрим нормаларда эса юқорида кўрсатилган давлат рақобат сиёсати йўналишларига тўғри келмаслик ҳолатлари йўқ эмас. Шундай экан, операторни белгилаш рақобат тамойиллари асосидаги тартиботлар (танлов, тендер) орқали амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.



“Ягона электрон чипта сотиш портали” лойиҳасида иқтисодий давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давлат эгитириш чоралари белгилаб берилган.

Учинчидан, бу корхонани тузишда унинг устав фондида иштирок этиш учун ҳеч қандай танловларсиз тўридан-тўғри хусусий корхонани жалб қилиш дегани.


“Рақобат тўғрисида”ги қонуннинг 12-моддасидаги 9- ва 12-бандлари талабларига биноан, давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг шартномалар тузишида устунлик бериш, айрим ҳужалик юритувчи субъектларга уларни товар ёки молия бозорига фаолият кўрсатаётган бошқа ҳужалик юритувчи субъектларга нисбатан афзал ҳолатга қўядиган имтиёзлар, преференциялар ва енгилликларни асосиз равишда бериш, айрим ҳужалик юритувчи субъектларнинг фаолияти учун бошқа камситувчи ёки имтиёзли шартлар (шароитлар) белгилаш тақлифланган.

ТАКЛИФ ВА ХУЛОСА

Президентимизнинг Олий Мажлисига Мурожаатномасида эндиликда асосий эътиборни корхоналар ўртасида соғлом рақобатни таъминлаш орқали нархларни пасайтиришга ва сифатни оширишга қаратилиши белгилаб берилган.

Шундан келиб чиққан ҳолда, кўмита томонидан чипта сотиш ахборот тизимларини ягона электрон чипта сотиш портали билан ихтиёрлик асосида интеграциялаштириш масаласи тақлиф этилди. Лойиҳадаги айрим нормаларда эса юқорида

кўрсатилган давлат рақобат сиёсати йўналишларига тўғри келмаслик ҳолатлари йўқ эмас. Шундай экан, операторни белгилаш рақобат тамойиллари асосидаги тартиботлар (танлов, тендер) орқали амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.



Ҳуқуқ

МАСОФАВИЙ ИШ

Меҳнат қонунчилиги уни тартибга солишга тайёрми?

Анвар РАҲМАТОВ,
Тошкент давлат юридик университети интеллектуал мулк кафедраси ўқитувчиси

Ота-боболаримиз шар нарсадан ибрат, ҳар иллатдан ҳикмат излаб яшашни ўқтиради. Шу маънода, коронавирус пандемиясининг инсоният бошига солаётган ташвишу ўқубатлари қаторида яхшиликка хизмат қилаётган жиҳатлари ҳам йўқ эмас. Хусусан, бугун дунёда онлайн таълим, масофадан иш юритиш, онлайн хизмат кўрсатиш тармоқлари тобора кенгайиб бораётгани жамият ривожига хизмат қиладиган муҳим янгилликлардир.

Жумладан, мамлакатимизда ҳам барча таълим муассасаларида онлайн ўқитиш ишлари йўлга қўйилди. Давлат ва нодавлат идоралар фаолиятига масофадан ёки уйда туриб ишлаш тизими жорий этилди. Бугунги вазиятни ҳолис нигоҳ билан кузатадиган бўлсак, бу ҳолат деярли иш сифатига таъсир этаётгани йўқ. Аксича, баъзи идо-

раларда иш жараёни янада ривожланиб, ходимларнинг мажлисбозлик, қоғозбозлик ва бошқа беҳуда юмушларга сарф бўладиган вақтлари тежаллаётгани, иш сифати эса ошаётгани бу тизим ўзини оқлаётганини кўрсатади. Демак, келажакда ушбу тизимда ишни ташкил этишнинг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатларини янада ривожлантириш зарур.

Коронавирус пандемиясидан кейин жамиятда ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларнинг янгиланган кўринишини шакллантириш ҳуқуқшунос олимлар ва мутахассислар зиммасига катта масъулият юклямоқда. Ана шундай муҳим йўналишлардан бири масофадан ишлаш тизимидаги ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлардир. Сир эмас, карантин шароитида бу йўналишда ходимлар ҳуқуқлари ҳамда иш берувчилар манфаатлари ўртасида мувозанатни таъминлаш, айниқса, масофавий иш усули шароитида меҳнат муносабатларини тартибга солиш бўйича ҳуқуқий асослар етарли эмаслиги маълум бўлди. Айни пайтда Меҳнат кодексининг янги таҳририни кўриб чиқиш жараёнида қонунчилигимиздаги ана шундай камчиликларни аниқлаш ва бушлықларни тўлдириш кун тартибига қўйилди.

Масофавий иш усули қачон пайдо бўлган?

Келинг, шу ўринда масофавий иш тушунчаси ва унинг тарихига бир назар ташлайлик. Бу тушунча америкалик Жек Ниллес томонидан киритилган бўлиб, 1972 йилда у замонавий алоқа воситалари ходимлар билан масофадан туриб алоқа қилиш имконини бераётгани сабабли, офисда ишчиларни ушлаб туриш шарт эмас, деган фикрини билдирди. Ўз фойдаларини амалга ошириш учун Жанубий Калифорния университетида тажриба ўтказди ва унинг асосида тайёрлаган ҳисоботи бўйича гоёсини ривожлантириш мақсадида Америка миллий илмий жамғармасидан маблағ олади.

Расмий идоралар масофадан туриб ишлаш тақлифини янада мукамаллаш ишлаб чиқишга қизиқиш билдирди. Чунки бу орқали шаҳарларда мавжуд бўлган транспорт муаммоларини ҳал қилиш мумкин эди. Шунингдек, тизим бери вақтнинг ўзига чекка қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашга ҳам имкон беради.

Жек Ниллеснинг иши 1979 йилда АҚШнинг Иқтисодий ривожланиш бўйича махсус кўмитаси раҳбари Франк Скифф эътиборини тортади. У олимнинг гоёларини давом эттирган ҳолда, янги “мослашувчан иш усули” атамасини ўйлаб топади. “The Washington Post” газетасида мутахассиснинг “Уйда ишлаш бензинни тежашга қодир” сарлавҳали мақоласи чоп этилади ва катта муваффақият қозонади.

Европа Иттифоқи давлатларида масофавий иш усули аллақачон амалиётга таъбиқ этилган бўлиб, юзага келиши мумкин бўлган низоли ҳолатлар миллий ва халқаро қонунчилик асосида ҳал этилади.

Россия ҳукумати 2013 йилдан масофадан ишлаш усулини тартибга солишни таъминлай бошлади. Россия Меҳнат кодексига кўра, масофавий иш тартибидан меҳнат шартномаси қоғоз шаклида тузилиши шарт эмас, бунда шартнома электрон имзо ёрдамида имзоланиши мумкин. Агар шартнома ёзма равишда тузилиши талаб этилса, унда ҳужжатлар махсус почта орқали юборилади.

Мамлакатимизнинг амалдаги Меҳнат кодексига ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда масофавий иш усули назарда тутилмаган. Ҳозирги шароитда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2020 йил 28 мартдаги буйруғига асосан тасдиқланган Карантинга оид чоралар амал қилиши даврида ходимларни масофавий иш усулида, мослашувчан иш графигида ёки уйда ишлашга ўтказишнинг вақтинчалик тартиби тўғрисидаги низоми мувофиқ масофавий иш услуби билан боғлиқ муносабатлар қисман тартибга солиноқда.

Ушбу низомида белгиланишича, масофавий ишда ишловчи ходим ўз вақтини ўз хоҳишига кўра, тақсимлашни ҳисобга олган ҳолда, у томонидан бажарилган ишлар учун бир баравар миқдорда меҳнат ҳақи тўланади. Бунда ходимга нисбатан иш вақтидан ташқари, иш, дам олиш ва байрам кунларидаги иш, шунингдек, тунги вақтдаги иш учун меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари қўлланил-

майди. Меҳнат кодексининг 124-моддасига биноан, иш вақтидан ташқари ёки дам олиш кунлари ишлаш жараёни ходимнинг аввалдан олинган ёзма розилиғи ёки касба уюшмаси кўмитаси билан келишилган асослар бўйича ва иш берувчининг аввалдан қабул қилинган тегишли буйруғига мувофиқ амалга оширилади. Демак, масофавий ишда ҳам шундай тартиб жорий этилиши мақсадга мувофиқ.

Масофавий ишга, мослашувчан ва уйдаги ишларга ўтказиш тадбирларини белгилаш орқали карантин даврида аҳолини хавфли юқумли касалликдан ҳимоялаш учун қўшимча имконият яратилди. Бироқ туманлар миқёсида кўп сонли ходимларга эга бўлган ташкилотларнинг кўйи тизимларида ходимларни масофавий иш, мослашувчан ва уйдаги ишларга ўтказишда ва, умуман, уларнинг меҳнатини ташкил этишда муаммолар борлигини ҳам тан олиш лозим.

Меҳнат кодексининг 124-моддасига биноан, иш вақтидан ташқари ёки дам олиш кунлари ишлаш жараёни ходимнинг аввалдан олинган ёзма розилиғи ёки касба уюшмаси кўмитаси билан келишилган асослар бўйича ва иш берувчининг аввалдан қабул қилинган тегишли буйруғига мувофиқ амалга оширилади. Демак, масофавий ишда ҳам шундай тартиб жорий этилиши мақсадга мувофиқ.

Масофадан иш юритиш тартибини жорий этишда Меҳнат кодексининг 73-моддасида назарда тутилган шартларга риоя этилиши ва бошқа бир қатор тартиб-тамойилларга амал қилиниши лозим. Жумладан, аввало, иш берувчи ва ходим ўртасида электрон ҳужжат алмашинуви бўйича ўзаро ҳамкорлик тартиби ишлаб чиқиши зарур.

Ўзбекистонда масофавий иш усули қонуний тартибга солинганми?

Мамлакатимизнинг амалдаги Меҳнат кодексига ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда масофавий иш усули назарда тутилмаган. Ҳозирги шароитда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2020 йил 28 мартдаги буйруғига асосан тасдиқланган Карантинга оид чоралар амал қилиши даврида ходимларни масофавий иш усулида, мослашувчан иш графигида ёки уйда ишлашга ўтказишнинг вақтинчалик тартиби тўғрисидаги низоми мувофиқ масофавий иш услуби билан боғлиқ муносабатлар қисман тартибга солиноқда.

Ушбу низомида белгиланишича, масофавий ишда ишловчи ходим ўз вақтини ўз хоҳишига кўра, тақсимлашни ҳисобга олган ҳолда, у томонидан бажарилган ишлар учун бир баравар миқдорда меҳнат ҳақи тўланади. Бунда ходимга нисбатан иш вақтидан ташқари, иш, дам олиш ва байрам кунларидаги иш, шунингдек, тунги вақтдаги иш учун меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари қўлланил-

майди. Меҳнат кодексининг 124-моддасига биноан, иш вақтидан ташқари ёки дам олиш кунлари ишлаш жараёни ходимнинг аввалдан олинган ёзма розилиғи ёки касба уюшмаси кўмитаси билан келишилган асослар бўйича ва иш берувчининг аввалдан қабул қилинган тегишли буйруғига мувофиқ амалга оширилади. Демак, масофавий ишда ҳам шундай тартиб жорий этилиши мақсадга мувофиқ.

Меҳнат кодексининг 124-моддасига биноан, иш вақтидан ташқари ёки дам олиш кунлари ишлаш жараёни ходимнинг аввалдан олинган ёзма розилиғи ёки касба уюшмаси кўмитаси билан келишилган асослар бўйича ва иш берувчининг аввалдан қабул қилинган тегишли буйруғига мувофиқ амалга оширилади. Демак, масофавий ишда ҳам шундай тартиб жорий этилиши мақсадга мувофиқ.

Жумладан, мактабга таълим муассасалари ходимлари мисолида оладиган бўлсак, ушбу ташкилотларда ёрдамчи тарбиячи, хизматчи, ошпаз, фаррош, хайдовчи, комендант, боғбон, кассир каби масофавий иш фаолияти таъбиқ этиш мумкин бўлмаган қатор ходимлар тоифаси бор. Уларнинг йиллик асосий меҳнат таътиллари ҳам аксарият ҳолларда 18 иш кунни этиб белгиланган. Шу боис, улар бу имкониятдан аллақачон фойдаланиб, қолган кунлар учун ўз ҳисобидан таътил олишга мажбур бўлди. Ваҳоланки, кўпича моддий таъминотга, энг аввало, шундай касбадагилар кўпроқ муҳтож бўлади.

Албатта, қабул қилинган низомида аҳолининг турли тоифаларини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича қатор қўлайликлар ҳам бор. Шу билан бирга, иш берувчи ва ходимлар ўртасида карантин шароитида келиб чиқиши мумкин бўлган барча муносабатларни ушбу битта низоми асосида тўла тартибга солишини имкони йўқ.

9 май —Хотира ва қадрлаш куни



ФРОНТ ОРТИДАГИ

ЖАСОРАТ

чинакам бағрикенглик, меҳр-мурувват ва инсонпарварликнинг юксак намунаси бўлган

Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбарининг биринчи ўринбосари, педагогика фанлари доктори, профессор

Биз бугун тинч ва озод юртда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллигини кутиб оляпмиз. Қўзларимиз эришилган ғалабадан, берилган қурбонлардан нам. Ғалаба жуда қимматга тушган. Манбаларда келтирилишича, шу уруш туфайли дунё бўйича 30 миллион нафардан 50 миллион нафаргача инсон ҳалок бўлган.



Наим ОБЛОМУРОВОД, Тошкент молия институти ижтимоий фанлар кафедраси муdiri, тарих фанлари доктори, профессор



Азалдан саховатли халқимиз доимо бир-бирини қўллаб-қувватлаб, оғир дамларда ёрдам кўрсатиб, қийинчиликларни бирга енгиб келган. Бундай меҳр-оқибат ва инсонпарварлик Иккинчи жаҳон уруши йилларида халқимизни яна бир бор тоблади.

Президентимизнинг 2018 йил 17 апрелдаги "Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик қилиш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида таъкидланганидек, уруш бошланиши билан фронт ҳудудларидан Ўзбекистонга кўчирилган бир миллионга яқин оила ва болани қабул қилиб, охириги бир бурда нонини улар билан баҳам кўрган, "Сен етим эмассан", деб ўз бағрига олгани халқимизнинг нақадар олижаноблигини, меҳр-мурувватини, юксак маънавиятини яққол намойён этди.

Урушнинг бошланиши миллионлаб инсонлар бошига оғир қулфатларни солди, ўз ватанидан, оиласидан, фарзандларидан айирди, мамлакат иқтисодиётини издан чиқарди.

Маълумотларга кўра, биргина 1941 йилнинг декабрига қадар, Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларига 525 минг нафар аҳоли келтирилиши ва жойлаштирилиши режалаштирилган. Амалда уларнинг сони 665 минг 419 нафарни ташкил этган.

Уруш йилларида биргина Сурхондарё вилоятига 20 мингдан ортиқ аҳоли келтирилиб, жойлаштирилган бўлса, уларнинг 3,5 мингтаси ёш бола эди. Эвакуация қилинган аҳоли учун Самарқанд вилоятининг Булунгур, Жомбой, Нарпай, Пастдаргом ва бошқа туманларидаги маҳаллаларда ҳам болалар уйлари ташкил этилди. Уларда 4270 нафардан ортиқ бола тарбияланган, Бухоро вилоятига эса 150 мингдан ортиқ эвакуация қилинган аҳоли жойлаштирилган.

1941 йилда Наманган вилоятига Украина, Белоруссия, Болтиқбўйи республикаларидан 19 минг киши эвакуация қилинган. Уларнинг 1674 нафари иш билан таъминланган. Тўрақўрғон, Янгиқўрғон ва Поп туманларида махсус болалар уйлари ташкил қилинди. Қорақалпоғистонга эса 3891 нафар киши кўчириб келтирилган. 900 оила ота-онасидан ажралган етим болаларни ўз тарбиясига олди.

1943 йилнинг охирига келиб, шаҳарларда 4672 бола, қишлоқларда эса 870 бола ўзбек оилалари томонидан тарбияга олинган эди.

Шунингдек, Ўзбекистонга кўчириб келтирилган ва ташкил қилинган болалар уйлари ва унлаб ҳарбий госпиталларга республика ташкилотлари, маҳаллалар бириктери қўйилди. Айниқас, маҳаллалар ташкилотлар билан ҳамкорликда оталиқ сифатида болалар уйи ва госпиталларни озиқ-овқат, мевачевалар билан таъминлаб турган.

Уруш йилларидаги катта йўқотишлар саноят тармоқлари, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа соҳаларга ҳам таъсир этди. Саноят тармоқларининг йўналишини ҳам, саноят ҳодимларининг ишини ҳам тубдан ўзгартирди. Ишлаб чиқариш корхоналари қисқа вақт ичида ҳарбий изга солиниб, миномёт ва автоматлар, самолёт ва танклар учун эҳтиёт қисмлар ва бош-

қа ҳарбий қуроллар ишлаб чиқара бошлади. Ўзбекистонга кўчириб келтирилган юзга яқин саноят корхонаси, жумладан, машинасозлик, металл ишлаш, қимё, ҳарбий техника ва маҳсулотлар тайёрловчи 48 та йирик заводнинг асбоб-ускуналарини жойлаштириш ишлаб чиқариш билан қўшиб олиб борилди. Тошкентда зудлик билан жойлаштирилган "Ростсельмаш" заводи "Катюша" ва миномёт снарядлари, авиация заводи жанговар самолётлар, Колчугинскдан келтирилган кабель заводи (ҳозирги Тошкент кабель заводи) ҳарбий алоқа маҳсулотлари етказиб бера бошлади.

Республика саноят корхоналари қувватларининг кенгайиши, кўчириб келтирилган корхоналарнинг ишга тушиши, биринчи навбатда, электр энергияси ва ёқилги ишлаб чиқариши кескин оширилиши талаб қиларди. 1943 йилда Ўзбекистоннинг энг йирик гидроэлектростанцияси — Фарҳод ГЭСи қурилиши бошланди, қурилиш зарур материаллар ва ишчи кучи билан таъминланди. Халқимизнинг ўн ойлик фидокорона меҳмати натижасида Сирдарё жиповланди. Уруш йилларида Бўзусв дарёси узанларида Товоқой, Оққовоқ, Салар, Қуйибўзусв, Оқтепа, Қўбрай ГЭСлари қурилиб, ишга туширилди. Ўзбекистонда электр энергияси ишлаб чиқариш қарийб 2,5 баробар, яъни 1940 йилги 462 млн. киловатт соатдан 1945 йилда 1187 млн. киловатт соатга кўпайди.

Уруш даврида Ангрэн кўмири қонида яна ухта шахта ва очик усулда кўмир қазиб олинган карьер бунёд этилди. 1940 йилда Ўзбекистонда атиги 3,4 миллион тонна кўмир қазиб олинган бўлса, 1945 йили 103 миллион тонна, яъни 30 марта кўпроқ кўмир тайёрланди. Уруш йилларида республикада нефть ишлаб чиқариш 4 баробар кўпайди ва 1945 йилда 478 минг тоннадан ортиди. Бекобод металлургия заводи 1944 йил 5 мартдан маҳсулот бера бошлади.

Фронт ҳудудларидан кўчириб келинган завод-корхоналарнинг 55 таси Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига, 14 таси Самарқандга, 22 таси Фарғона водийсига, иккитаси Бухоро вилоятига жойлаштирилди. Улар қисқа муддатларда, яъни "Ростсельмаш" 25 кунда, "Красный Аксой" заводи эса олиб келинганидан кейин орадан 29 кун ўтганда ишга туширилиб, маҳсулот бера бошлади. 1941 йил декабрга келиб, эвакуация қилинган корхоналарнинг қарийб 50 таси ишга туширилди. 1942 йилнинг биринчи ярмида эса барча келтирилган саноят корхоналари маҳсулот чиқара бошлади.

Уруш йилларида республикада 280 та янги корхонанинг қурилиб, ишга туширилиши натижасида 1945 йилга келиб, саноят ишлаб чиқариши уруш арафасидагига нисбатан деярли икки баробар ортиди, нефть қазиб олиш 4, металл ишлаб чиқариш 4,8, машинасозлик маҳсулотлари 13,4, кўмир қазиб чиқариш

30, энергия ишлаб чиқариш 2,42 карра кўпайган. Юртимиз уруш йилларида 2100 та самолёт, 200 та кўма ошхона етказиб берди.

Шундай оғир дамларда Ўзбекистон қишлоқ меҳнатқашлари давлатга 166 000 тонна галла, 231 минг центнер гурч, 4 миллион 806 минг тонна пахта, 54,1 минг тонна пилла, 482 минг тонна картошка ва мева-сабзавот, 57,5 минг тонна узум, 36 минг тонна қуритилган мева, 259 минг тонна гўшт етказиб берди. "Хамма нарса фронт учун, хамма нарса ғалаба учун!" шioriга жавобан кўпгина олимлар, адиблар, шоирлар урушнинг биринчи кунларидаёқ тинимсиз меҳнат қилди.

Фронт орти билан фронт ўртасидаги асосий алоқа воситаси бўлиб хизмат қилган темир йўл тармоқлари 1941-1945 йилларда 2 баробар узайди. 1945 йилда республика автотранспортда ташилган юкнинг ҳажми 1940 йилдагига нисбатан 2 баробар ўсди.

Уруш йилларининг қийинчиликларига қарамай, олий ва ўрта махсус юрталар ва маориф муассасаларининг фаолияти тўхтаб қолмади. Ўзбекистонда 29 та олий ва 52 та ўрта махсус ўқув юрти ишлаб турди, уларнинг сони марказдан кўчириб келтирилган 31 та олий ўқув юрти ва 7 та ҳарбий академия ҳисобига ортиб борди. Бу ўқув юрталарида уруш йиллари мобайнида 11750 нафар юкори малакали мутахассис ва 6673 нафар кадр тайёрланди.

Ўзбек адабиёти ҳам халқимизнинг ёвуз душманга қарши кураш йилларида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Ойбек, Ҳамид Олимжон, Шайхзода, Ғафур Ғулום, Уйғун, Собир Абдулла, Зулфия, Темур Фаттоҳ каби шоир ва ёзувчилар шеър ва мақолалари билан халқни ғалабага руҳлантирди. Шунингдек, республикада 30 дан ортиқ концерт бригадаси ташкил этилиб, улар ҳаракатдаги армия қисмларида 35 мингдан ортиқ, Туркистон ҳарбий округи қисмлари ва госпиталдаги ногиронларга 26 минг марта концерт қўйиб бериб, жангчилар кайфиятини кўтарди. Айниқас, Тумарахоним, Халима Носировна, Мукаррама Турғунбоева, Сора Эшонтураева, Аброр Ҳидоятлов, Шукр Бурҳонов каби санъаткорлар иштирокидаги концерт ва томошалар жангчилар, томошабинлар қалбига зўр кўтаринкилик бошқариб этди.

Бир сўз билан айтганда, Иккинчи жаҳон урушининг голибона яқунлашишида юртдошларимизнинг фронт ва фронт ортидаги жасоратлари катта бўлди. 120 мингдан ортиқ ўзбекистонлик собиқ иттифоннинг ордени ва медалларига сазовор бўлди. 300 га яқин юртдошимизга Совет Иттифоти Қаҳрамони унвони берилди, 82 та жангчи Шўҳрат ордени билан тақдирланди.

Ўзбекистон урушидан катта йўқотиш билан чиқди. Яъни ўзбекистонлик инсониятни фашизм балосидан қутқаришга муносиб ҳисса қўшди. Бундай жасорат бугунги дориламон кунларда халқимиз, давлатимиз томонидан юксак оқилланмоқда. Мустақиллик йилларида урушда ҳалок бўлганлар хотирасини тиклаш ва қадрлаш мақсасида "Хотира" китоблари чоп этилди, поитхатимиз марказида Хотира майдони, "Мотамсаро она" ёдгорлик мажмуалари барпо этилди, 9 май — Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилинди.

Президентимиз ташаббуси билан Ғалабанинг 75 йиллигига бағишлаб Тошкентда барпо этилаётган Ғалаба боғи халқимизнинг Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Буюқ Ғалабага қўшган улкан ҳиссасини намойён этишга, отабобларимизнинг қаҳрамонлигини абадилаштиришга хизмат қилади.

Уш, бу урушнинг сабаблари нима эди? Жаҳоб битта: жаҳолат! Уша пайтда инсоният бирлашиб, жаҳолатга, яъни фашизм голясига қарши маърифат ғалабасини таъминлаганида, Иккинчи жаҳон уруши бўлмасди.

Бунёдкор гоьлар халқларни эзгу мақсадларга йўналтириб, тараққиётнинг анги марраларига элтади. Вайронкор гоьлар эса одамларни, миллатларни хонавайрон қилиб, жаҳолатга етаклайди. Инсоният ўз тарихида қанча уруш кўрган, қанча қурбон берган бўлса, буларнинг бари ёвуз гоьларнинг пайдо бўлишидан, тарғиб қилинишидан, кейин эса қўлларга қурол берилишидан бошланган.

Кўна тарих диний ақидапарастлик, фанатизм, терроризм, босқинчилик, фашизм, шовинизм, большевизм ва бошқа вайронкор гоьларни кўп кўрди. Шулардан бири — фашизм инсоният тарихидаги энг ёвуз ва қаттол гоь бўлиб қолди.

Фашизм ёвуз гоь, ёвуз мафкурадан бошланди. Муссолини "Фашизм докторинаси" китобида бундай ёздади: "Фашизм фақат бошқарув тизими эмас, балки, энг аввало, фикрлар тизимидир".

Нацизмнинг сохта илмий-тадқиқоти "натижалари" асосида "ирқий назария" яратилди. Улар одамни инсонийлигига қараб эмас, бош суягининг шакли, терисининг, кўзининг рангига қараб "зоти"ни белгилади. Унга қура, фақат "олий ирқ"га кирувчиларгина ҳақиқий, мукамал инсонлардир. Бошқа халқлар ҳали инсонга айланб улгурмаган, ярим одамлар.

"Олий ирқ" дунёни бошқариши, ишламай, роҳат-фароғатда, бахтиёр яшаши керак. Дунёнинг энг серхосил, сулим ерлари "олий ирқ"нинг дала ҳовлилари, томорқаси бўлади. "Паст ирқлар" уларнинг ерини чопади, молини боқади, кирини ювади, кофе, картошка, тамаки, меваларини териб беради.

"Паст ирқ"лар учун бараклар қурилади. Уларга билим, санъат, маданият, маънавият қарак эмас. Уларга тараққиётнинг энг паст даражаси қифоя. Уларни беҳижолат, бемалол ҳақоратлаш, уриш, ўлдирishi мумкин.

Дунёда "паст ирқ"лар қанча қолиши кераклигини "олий ирқ" ҳал қилади, режалаштиради. Қанча қул керак бўлса, паррандага ўхшатиб, кўпайтириб олаверади. Бунга эришиш учун уруш керак. "Яшасин уруш. Фақат у дунёни тозалаш беради!". Мана Муссолини айтган уша "фашизмнинг фикрлар тизими".

Мана шу гоьлар тарғиботи учун тарғибот-ташвиқот вазириги ташкил қилинди. Гоьлар ҳаракати келди. Ресурсларни эгаллаш учун кураш бошланди. Бу ҳақда Гитлер сувоққонлик билан: "Биз аҳолини қиршининг самарали йўллари ишлаб чиқишимиз керак. Аҳолини қирishi деганда, мен бутун бошли ирқларни йўқ қилишни тушунаман ва ниятими бунималга ошириши. Менинг вазифам шу. Та-

биат шафқатсиз, шундай экан, биз ҳам бу ишда шафқатсиз бўлишимизга тўғри келади. Мен урушда немис миллатининг қони туқилишига зарра афсус чекмаётган эканман, бу менга паразитларга ўхшаб тинмай кўпаяётган миллионлаб паст ирқли одамларни йўқ қилиш ҳўқуқини беради", деган эди.

Фашизмнинг бош мафкурачиси Геббельс уни мафкуравий қўллаб-қувватлаб: "Бу уруш тожу тахт учун эмас. Бу уруш дон, нон учун. Нонушта, тушлик ва кечки овқатда столимизнинг тўлиб-тошиб туриши учун. Хомашё, қачуқ, темир ва рудалар учун қилинаётган урушдир", деган эди.

Бу далиллар фашистлар ўз ниятларида жаннатмақон Ўзбекистоннинг ер ости, ер усти ресурсларини, боғу роғларини ҳам ёвуз режаларига киритганини тушунишга эсам. Демак, 1941 йилда Ўзбекистоннинг мард йигитлари совет тузуми, коммунистик гоь учун эмас, ўз Ватани — ҳозирги мустақил Ўзбекистон ҳимояси учун жангга кирганлар.

А.Раушнинг "Менга Гитлер айтган гаплар" китобида фашизмнинг ёшлар тарбиясига уни масалалари баён этилган. Китобда Гитлернинг: "Биз шундай ёшларни етиштиришимиз керакики, улар кескин, талабдан ва зolim бўлсин. Улар ёш, қучли ва ёвуз ҳайвонларга ўхшашлари керак", деган гаплари келтирилади.

Ана шу мафкура билан захарлаган йигит-қизлар 1940 йилларга келиб, аскар кийимини кийди. Аскарларнинг ён дафтарларига: "...сен ўз шахсий шарафини уқдиршининг керак. Чунки бу адолатли. Битта немис аскари душманнинг 100 та аскарига тенг. Сенда қалб, гам ва туйғу ҳам бўлмаслиги керак. Чунки улар урушда керак эмас. Узингдаги раҳимдиллик ва ҳамдардликни йўқ қил. Кексами, аёлми, қиз ёки ўғил болами, қаршиндан чиққан ҳаммами кир. Ана шунда сен ўзингни ҳақоратдан асраб қоласан. Уш оиланг келажини таъминлайсан. Номинг шўҳратга бурканди... Англия, Россия, Американинг тақдирини сен ҳал қиласан. Эртага бутун дунё сенинг оёқларинг остида ётади", деган "ўғитлар" ёзилган эди.

Аскарларнинг нафсини гиж-гижлаш учун уларга "қўл узатса, етадиган" даражадаги бахтли келажак кўрсатилди. "Фелькишер Биобахтер" газетаси ўзининг 1941 йил 12-сонида бундай ваъдаларни эълон қилди: "Урушдан сўнг герман аскарлари ер эгалари бўлади. Ерни Шарқдан олиш аскарлар учун истиқболли. Россия ўзининг серхосил ерлари, урта, кичик шаҳарлари, ерда ишлайдиган дехқонлар билан ўз хўжайинларини — немис аскарларини қутқати. Дастлаб 20-40 гектар, кейин 40-125 гектар томорқа ва ҳовлига ер берилди".

Хуллас, фашизм юзлаб миллатларга мансуқ миллионлаб инсонлар ёстигини

қуритди. Чунки тарғибот-ташвиқот Гитлернинг: "Муттасил тарғибот ёрдамида халқни истаган нарсага, масалан, "дўзах осмонда" ёки "жаннатга тушиш бу — фо-жа" эканига ҳам ишонтириш мумкин", деган ёвуз ва маккор курсатмаларига амал қилди.

Афсуски, баъзан "Гитлер давлат тепасига демократик йўл билан келган", деган фикрлар ҳам айтилади. Фашизмнинг давлат тепасига демократик йўл билан келиши ақлга сизмайди, соғлом ақлга эид фикр. Фашизмнинг ҳокимиятини эгаллашда қўллаган мафкуравий методлари буни фoш қилади. Масалан, "Action-B" методи Гитлернинг давлат тепасига қандай келганини кўрсатиб беради. Мана, XX асрнинг 30-йилларида Мюнхен, Берлин, Бонн кўчаларидаги манзара:

"Уруш тугаб, мамлакат харобага айланган. Кечаги солдатлар ишисиз. Пивохоналарни тўлдириб, сўқиниб, мушлатлаб кун ўтказмоқда. Ана шундай вазиатда нацистлар партияси ўзининг тарғиботини бошлади. Кажавали мотоциклини ениги шимарилган, тақирбош барзанги (собиқ аскар) ҳайдамоқда. Кажавода нацистлар партиясининг тарғиботчиси ўтириб олган. Унинг қўлида тарғибот варақалари. Тарғиботчи одам гавжум жойларда, беткарида тўхтаб, фашизмин қўллаб-қувватлашга, урушга даъват қилади. Агар одамлар маъқулласа, қўллариди тарғибот варақасига "+" белги қўйиб, йўлда давом этади.

Агар одамлар нацистларга қарши фикр билдирса, барзанги руддан тушиб, ҳаммининг кўз ўнгига уша тинчлик истаган одамни қонида буюб, уриб тепади. Кейин тарғибот варақасига "+" белги қўйиб, йўлда давом этади. Аҳоли бу манзараларни қуравериб, юрагини олдириб қўйгач, қайтиб мустақил фикрини айтмаган".

Мана шундай террор билан ҳокимиятни эгаллаган Гитлернинг давлат тепасига демократик йўл билан келган, дейиш мумкинми?

Хуллас, фашизм XX асрнинг жаҳолат эпидемияси бўлди. Унга қарши маърифат билан курашмаслик, лоқайдлик қандай дахшатли асоратларга олиб келишини Иккинчи жаҳон уруши яққол кўрсатди. Ҳар бир уруш қатнашчиси — бебаҳо бойлигимиз, тирик қадриятимиз. Улар ўзларининг эгилган қоматлари, танлариди сақланиб қолган ўқ излари билан инсониятга кечаги тарихдан хулоса, сабоқ чиқаришга чорлаяпти. Инсониятни оғоҳликка чақирмоқда. Халқларимизни бағримизга босиб, табриқлаймиз.

Ғалабанинг 75 йиллик байрами арафасида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан "Ғалаба боғи" барпо этилмоқда. Бу боғ, бир томондан, юртимизни беэаиди. Иккинчи томондан, ўша келаятган авлод-ни мардлик, юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялаш майдони бўлиб қолади.